Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | www.uzas.uz | 2018-yil 8-iyun №24 (4474)

Уюшма фаолиятидан

ПУШКИН ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

Пойтахтимизда улуғ шоир А. С. Пушкин таваллудининг 219 йиллиги муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Шоир ҳайкали қад ростлаган сўлим хиёбонда жамоатчилик вакиллари, ёзувчи ва шоирлар жам бўлишди.

Тадбирда сўзга чиққан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси Р.Қурбонов, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари М.Ҳожиматов, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси В.Тюрденев, Рус миллий маданият маркази раҳбари А. Аристов ва бошқалар ўзбек ва рус халқлари дўстлигини мустаҳкамлашда улуғ шоирнинг адабий мероси беқиёс аҳамиятга эга экани ҳақида гапирдилар.

Анжуманда Пушкин шеърларидан намуналар ўқилди, шоир ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

* * *

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидаги йиғилишда ёзувчи Абдулла Айизовнинг "Полвон йиғлаган тун" китоби тақдимоти ўтказилди. Тўпламга киритилган қиссаларнинг тарбиявий аҳамияти, маҳорат масалалари ҳақида адабиётшунослар ва талабалар ўртасида қизғин суҳбат бўлди.

* * *

Бекобод туманидаги адабий тўгарак аъзолари билан Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган ижодий учрашувда таниқли ижодкорлар ёш қаламкашлар билан бадиий ижод сирлари, ижодкорнинг бадиий олами, адабий жараёндаги янгиликлар ҳақида суҳбатлашишди.

Учрашув мушоира билан давом этди. Ёшлар ўзларининг шеърий машқларини ўқишди.

* * *

Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиалида ўтказилган ижодий учрашувда Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низомнинг маънавият ва маърифат равнақи йўлидаги хизматлари эътироф этилиб, асарларининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти таъкидланди. Шунингдек, Андижондаги машинасозлик ва тиббиёт институтларида ҳам шундай учрашувлар бўлиб, унда адибнинг "Пўлат белбоғ", "Сўзга айланган қилич" каби публицистик ва тарихий мавзудаги асарлари ҳақида сўз юритилди.

* * *

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ёш шоир Жўрабек Жаҳоннинг "Кўнгил пойтахти" номли китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган устоз ижодкорлар шеъриятимизда янги истеъдодлар бўй кўрсатаётганини таъкидлаб ўтишди.

"MAN — СИЗ УЧУН!"

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати

Кунлардан бир кун хизматга кетаётган эдим. Тошкент кўчаларида нима кўп, реклама кўп. Ҳамиша уларни кузатиб бораман. Кўзим катта юк машинаси сурати солинган тасвирга тушди. Унда шундай сўзлар ёзилган эди: "MAN – СИЗ УЧУН". Ҳикматга айланган бу сўзлар кўнглимга ўтириб қолди. Албатта, бу заводни бориб кўраман, деб ният қилгандим ўшанда.

Оллоҳга шукрки, мамлакатимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Истиқлолимиз туфайли ўзимиз эккан дарахт соясидан ўзимиз баҳраманд бўлмоқдамиз, меваси ўзимизга насиб этмоқда. Ҳар қадамда ўзгаришлар, янгиликлар, ободончиликлар... Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб олиб бораётган зукко сиёсати туфайли Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги мартабаси ортгандан-ортиб бормоқда. Ҳали бунақаси бўлмаган эди, деб бемалол айта оламиз. Буни жумла жаҳон кўриб, тан бериб турибди. "Фаол тадбиркорлик, иннавацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб аталган 2018 йил тарихимизда ёрқин йиллардан бўлиб қолишига асло шубҳа йўқ.

Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти масъул котиби, шоир Тошпўлат Ўрхун иккаламиз, қўлимизда дафтар,

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

заводга келганимизда вақт чошгоҳга яқинлашиб қолганди. «JV MAN Auto-Uzbekistan» МЧЖ қўшма корхонаси Самарқанддан ўн уч километр масофада Жомбой шаҳрида жойлашган экан. Бизни заводнинг маданий-маърифий ишлар бўйича мутасаддиси Аъзам Исоқов кутиб олди. Асли жомбойлик, жуда дилкаш, одамохун, суҳбати ширин бу инсон одамни зериктирмайди. Бирпасда эски танишлардай бўлиб кетдик.

– Бу ҳудудлар дастлаб ўрмон хўжалигига қараган, – дейди Аъзам Исоқович. – Умумий майдони 45 гектар, шундан 26 ярим гектари заводнинг ишлаб чиқариш майдони ҳисобланади.

Завод ҳовлисининг этакларидаги сайхонликда чиройли бўлиб қатор тизилиб турган янги "тандирдан узилган" MAN машиналарини демаса, бу жой завод эмас, кўпроқ дам олиш масканига ўхшаб кетади. Биз атрофга қараб ҳайратда қолдик: ҳамма томон ораста, боғ... Дарвоқе, шундоқ завод биносининг ёни ва орти 5 гектар ерда олмазор, 1 гектарда гилос боғи яшнаб турибди, нарироқда 1 гектар иссиқхонада помидор, бодринг экилган. Уларни қўлинг дард кўрмагур меҳнатсевар йигит Сувонқул Долиев парвариш қиларкан.

▶2

ҚАДАМИДА ГУЛЛАР ОЧИЛГАЙ

Президентимиз қарорига кўра Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида ташкил этилган Исҳоқхон тўра Ибрат номидаги ижод мактаби ўқувчилари билан ижодий учрашувга отланарканмиз, беихтиёр Юртбошимизнинг Наманган вилоятига ташрифи муносабати билан телевидениеда кўрсатилган ажойиб манзаралар кўз ўнгимиздан ўтди.

Эрта тонгдан Қўйлиқ орқали водий йўлига тушдик. Шоир дўстимиз, "Оила ва жамият" газетаси бош муҳаррири Воҳид Луқмон водий йўлида бизга ҳамроҳ бўлди. Яхши суҳбатдош билан манзилга қандай етиб борганингизни ҳам билмай қоларкансиз.

Бетонни қалин қуйиб қурилган йўл шунчалар равон ва текиски, гўё тухумдай силлиқ. Машина ғилдираклари йўлга тегиб-тегмай, бир маромда бемалол елиб боряпмиз. Довондаги йўл ёнидан параллел қурилган темир йўл дуторнинг торидек ялтирайди. Бу торларда авжи шашмақомдек кўкларга етадиган тараққиёт мусиқаси янграйди.

Мустақиллик барпо этган бу йўллар она Ватанимиз тараққиёти учун олтин кўприк бўлиб хизмат қилаётир. Шоирона сўз билан айтганда, қанийди биз ҳам мана шу йўлдек юрт юкига елкамизни тутиб берсак, элларни элларга, дилларни дилларга боғловчи кўприк бўлсак...

Фарғона йўлидан чапга бурилиб, Наманганга равона бўлдик. Резаксой, Поп, Чуст бекатларидан ўтдик. Йўлнинг бир ёни тоғ, бир ёни боғ. Ҳар қадамда фаровонлик, ободлик...

Йўлни кўндаланггига кесиб ўтган Косонсой сойи устидаги кўприкдан ўтарканмиз кўзимиз яшнаб кетди. Тўрақўрғон. Шаҳардаги бунёдкорлик манзараларидан кўнглимиз қувнайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 апрелдаги «Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида атоқли маърифатпарвар Исҳоқхон тўра Ибрат номидаги ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида умумий қиймати 13 млрд. сўмлик Исҳоқхон Ибрат мажмуаси бунёд этилди.

Президентимиз ташаббуси билан қад ростлаган мажмуа Косонсой сойининг чап соҳилида 2 гектардан зиёд майдонни эгаллаган. Мажмуа боғ-хиёбон Исҳоқхон Ибратнинг ҳайкали, миллий меъморлик услубидаги айвон, чет тил-

Ижод мактабларида

ларга ихтисослаштирилган 400 ўринли мактаб-интернат, ҳудуддаги Ғойибназар қози мадрасаси меъморий ёдгорлиги асосида халқ амалий санъати ва бадиий ҳунармандлик маркази, Ибрат номидаги замонавий босмахона, 140 ўринли мактабгача таълим муассасаси ва бошқа бадиий композицияли иншоотларни ўз ичига олган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Наманган вилояти бўлими масъул котиби Жамолиддин Муслим, Тўрақўрғон ҳокимлиги вакили Баҳодир Самиохунов ҳамроҳлигида ёдгорлик мажмуининг арки тагидан ўтиб, ўнгга Ибрат номидаги ижод мактаби биносига кирдик. Катта ва ёруғ айвонда турнақатор тизилган, тўқ жигарранг кийимли ўқувчи қизлар, тўқ кўк рангли костюм-шимли ўқувчи болалар жўр бўлиб саломлашиб кутиб олишди.

Исҳоқхон тўра Ибрат номидаги ижод мактабининг директори ўринбосари Мусахон Дадахонов мактаб фаолияти билан таништиради.

Мактаб умумтаълим фанлари билан биргаликда инглиз, немис, француз, рус, араб, хитой, корейс тиллари чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари мактабимиз ўқувчилари билан учрашув чоғида маърифатпарвар аллома номи билан аталувчи мактаб ҳар томонлама намунали бўлиши, бир нечта хорижий тилларни билган замонавий кадрларни тарбиялаши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

▶2

Александр ПУШКИН

ЭЗГУЛИК ТАХТИДА КУЙЛАДИМ

Н. Я. Плюсковага

Янги таржималар

Камтарин, улуғвор созимда
Алқамадим ер худоларин,
Озод, мағрур, зўр овозимда
Кадил*га хушомад қилмадим.
Эркни куйлаш толеим букун,
Бағишладим шеърларим унга,
Туғилмадим шоҳ кўнгли учун,
Ҳаё инган соз билан бунда.
Аммо, тўғри, Геликон узра
Касталия шовқин солган он,
Аполлондан завқланиб жуда
Елисаветани куйладим пинҳон.
Самоларга ердан бўйладим,
Завққа тўлган юрагим ила
Эзгулик тахтида куйладим,
Унинг ёрқин шукуҳи дилда.
Муҳаббат ва сирли эрк тўлди
Қалбимга самимий мадҳ, туйғу
Ва виждонли овозим мангу
Рус халқининг садоси бўлди.

▶4

“MAN – СИЗ УЧУН!”

Бошланиши биринчи саҳифада.

– Кейинги етти-саккиз йил ичида бўлди-да бу ўзгаришлар, – изоҳ берди Аъзам Исоқович. – Мана, завод биноси ҳам, ҳов анови дилерлик ва сервис маркази биноси ҳам, мана бу боғ ҳам – бари яқинда пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 7 августдаги 224-қарори асосида Жомбойда “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти билан Германиянинг машҳур MAN корхонаси ҳамкорлигида қўшма корхона очилди. Корхона ўз биноси қурилгунча Самарқанд автомобиль заводида бир цехни ижарага олиб иш бошлаганди. Ўша йилнинг ўзида, яъни 2009 йил 4 сентябрь куни қўшма корхонанинг биринчи машинаси “MAN” тамғаси билан “СамАвто”да конвейердан чиқди! Бу улкан ишларнинг бошланиши эди! Ҳозир бу илк машина қайноқ кунларни эслатиб, катта қутлуғ йўлнинг бошланишидан намуна сифатида заводнинг кўргазмалар залида савлат тўкиб турибди.

Шу ерда MAN корхонаси ва умуман, унинг тарихи ҳақида бир неча сўз айтишга эҳтиёж туғилади. Немис машинасозлик компанияси юк автомашиналари, автобус ва двигателлар ишлаб чиқарадиган жаҳонда тан олинган энг нуфузли, ўз анъаналарига эга корхона ҳисобланади. У 1758 йилда ташкил топган, номи “Maschinenfabrik Augsburg-Nurnberg AG” деб юритиларди. Корхонанинг штаб-квартираси Мюнхен шаҳрида жойлашган. Компанияда ҳозир 54 000 га яқин одам меҳнат қилади.

Дунёдаги энг зўр двигателни яратган, XX аср ифтихори ҳисобланган машҳур немис инженери ва ихтирочиси Рудольф Дизель айнан шу Аугсберг заводида ишлаган ва ҳамкорлик қилган эди. 1893-1897 йилларда узоқ йиллик машаққатли изланишлардан кейин Рудольф Дизель лойиҳаси бўйича Аугсберг заводида ўт олдирадиган свечалари йўқ (свечасиз!), янгича ички ёниш двигатели ишлаб чиқилди. У “Дизель двигатели” деган ном олди. Двигатель бензин талаб қилмасди, балки унинг ўрнига анчагина арзон ҳисобланган ёқилғи – кейин уни “дизель мойи” деб атадилар – билан юрарди. Янги двигателнинг ўт олдириш тизими содда бўлиб, ишлатишга жуда қулай эди. Ихтиро 1898 йилги Мюнхен кўргазмасида намойиш этилди ва бутун жаҳонга тарқалди. Ўша биринчи двигатель ҳозир нодир экспонат сифатида Аугсберг машинасозлик музейига қўйилган.

MAN – Maschinenfabrik Augsburg-Nurnberg AG(Аугсберг-Нюрнберг акциядорлик жамияти машина фабрикаси) – 1986 йилда икки штат бирлашиб, MAN ташкил бўлди. Юк машина двигатели Нюрнбергда ишланади, бир мотор-(лот. – ҳаракатга келтиргувчи)ни бир уста тайёрлайди.

MANга қарашли қўшма корхоналар жаҳонда бешта бўлиб, улар Ҳиндистон, Бразилия, Австрия, Польша ва Ўзбекистонда, Жомбойда жойлашган...

MAN шиори – маҳсулотнинг ишончли, янгиликка бойлиги, ҳаракатчанлик, жўшқинлик, равшанликка эга бўлиши. Иқтисодий арзонлиги, хавфсизлиги... Кенгроқ гапирадиган бўлсак, мижоз ишончини қозониш, янгиликка интилиш самаралари, ҳаракатчанлик – машинанинг тезкор ва кучли бўлишига эришиш, концерн доирасида бошқа қўшма корхоналар билан янги-янги ғоялар алмашиш, маълумотлардан бохабар бўлиш, олға интилиш... интилиш... интилиш...

– Ҳақиқат муқояса қилинганда аён бўлади, – дейди сенатор, завод бош директори Ё. Қабулниязов. – Ҳаммамизнинг эсимизда: илгарилари тўртта, бешта автомашина қиладиган ишни ҳозирда битта MAN автомобилининг ўзи қойиллатиб бажаряпти... Аввалги автомашиналар билан ҳозирги автоуловлар орасида фарқ катта. Бари замонга мос-да, замон эса шиддатли...

Ҳақиқатда ҳам шундай.

Корхонада жараён қизғин паллага кирди. 2011 йил 22 декабрда қўшма корхонанинг дилерлик ва хизмат кўрсатиш маркази иш бошлади. Ярим йилдан кейин эса, 2012 йил 30 июль куни кўпдан кутилган қувончли ҳодиса рўй берди: Жомбойда MAN автомобилларини йиғувчи заводнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тантанада Германиядан, Тошкентдан, Самарқанддан ҳурматли меҳмонлар ташриф буюришди. Байрам бўлиб кетди! 2013 йил 16 майда мингинчи автомобиль конвейердан чиққани заводда ишнинг жадал суръатлар билан олиб борилаётганининг яққол исботи бўлди.

2016 йил 22 декабрда корхона залида Самарқандда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари кўргазмаси бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев корхонага ташриф буюрди, завод цехлари, бу ердаги иш жараёни билан қизиқди, зарур йўл-йўриқлар, кўрсатмалар берди. Бу завод аҳлини руҳлантириб келмоқда ва янги зафарларга ундамоқда.

Ўтган давр мобайнида Ватанимиз автомобиль саноати енгил ва оғир юк автомобиллари учун бутловчи қисмларгина эмас, балки турли хил халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш учун ҳам тизимдаги корхоналарга кенг имкониятлар яратиб берди. Маҳаллийлаштирилиш йўлида қанчадан қанча корхоналар очилди. Автомобилларга техник ва сервис хизмат кўрсатиш марказлари ташкил қилиниб, неча-неча юзлаб ишчи ўринлари яратилди, яратилмоқда.

– “JV MAN Auto-Uzbekistan” автомобиллари мустаҳкамлиги, тежамкорлиги ва ишончлилиги билан ажралиб туради, – дейди бош директор ўринбосари Отабек Нарзуллаев. – Маҳсулотлар халқаро бозор стандартлари талабига жавоб бермоғи керак.

Корхонанинг техника хавфсизлиги бўйича етакчи муҳандиси, касаба уюшмаси раиси Маҳмуд Аҳмедов суҳбатга қўшилади:

– Заводимиз зўр, ҳозир тўртта цех ишлаб турибди. Юк машинасини ишлаб чиқариш йиғув цехи, автобус ишлаб чиқариш цехи, юк машиналари кабинасини ишлаб чиқариш цехи, юк машинаси кабиналарини йиғув цехи. Ҳаммаси ёнма-ён. Бу ерда сотув ва сервис маркази ҳам ишлаб турибди.

– Марказий Осиёда ягона! – сўз қўшади Аъзам Исоқович ғурурланиб.

– Тўғри, атрофимиздаги мамлакатларда бундай завод борлигини эшитмаганман, – тасдиқлайди Тошпўлат Ўрхун.

– Энг муҳими, машиналаримиз газда ишлашга мосланган, иқтисодий арзон, бир машина бемалол бир миллион километр юра олади ва ўз хизматини ҳалол адо этади... Европада машиналар дизель мойида юради. Бизда эса газда, – дейди Отабек Нарзуллаев.

Жомбойда ҳозир 16 тонна юк ташийдиган автомашиналардан бошлаб, яримтиркамалар, тиркамалар, махсус техник автомобиллар, халқ хўжалигида зарур бўлган тез ёрдам, ёнғин ўчирувчи, чиқинди ташийдиган, юқори қаватларга бетон қоришмасини узатиб берувчи автомашиналар ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, мосланган машиналар “Махсустранс” ишлаб чиқариш бошқармаси ходимлари жонига оро кирмоқда, юртимизнинг кўплаб майдон ва хиёбонларини, кўчалари ва маҳаллаларини озода тутишда холис хизмат қилмоқда. 50 тонна юкка мўлжалланган машиналар ҳам бор. Ҳисоблаб кўргандим, заводда ҳозир 56 хил машина чиқар экан.

Бир пайтлар Ўзбекистонда мих ҳам ишлаб чиқарилмас эди! Ҳайратланмай бўладими! Буларни паҳлавон машиналар, баҳодир машиналар, полвон машиналар, дегим келади. Эсимда, болалигимизда қишлоғимиз атрофларида экскаватор зах сувларни қочириш учун чуқур зовурлар қазирди. Катта-кичик уни “полвон” деб атарди, “Полвон келди!”, “Полвон келди!” деб югуриб юрардик. Мана, ҳақиқий полвон машиналар, бу – MAN машиналари экан!

Ростдан ҳам, ҳозир MAN машиналари халқ хўжалигида беминнат дастёр вазифасини бажармоқда, улар энг яқин ва оқибатли кўмакчилар, элнинг оғирини енгил қиладиган чинакам “полвон”лардир.

Юк машинасини ишлаб чиқариш цехида қизғин иш жараёнини кузатдик. Улкан ёғоч ромга солинган двигателни (у шу ҳолда Германиядан келтирилади) рамага ўтқазадилар, маҳкамлайдилар, сўнг кабинани қўндириб барча қисмларни жой-жойига қўядилар. Шу хилда ҳар куни 12-15 машина йиғилади. Битта машина тўрт минг деталдан иборат, унинг ҳар бирига қўл тегиши керак...

Гоҳо рақамлар сўзлардан ҳам кўра кўпроқ нарсаларни англатади. Мана қаранг: завод 2010 йилда 480 машина, 2011 да 658 та, 2012 да 1017 та, 1013 да 1201 та, 2014 да 1205 та машина ишлаб чиқарди. Эътибор беринг: рақамларда ўсиш бор. Шу кунгача заводда 5000дан ортиқ турли кўринишдаги машиналар ишлаб чиқарилиб истеъмолчиларга етказилди. Ҳозир мамлакатда 9 дилерлик ва сервис марказлари ишлаб турибди, яна 5 та шундай марказ очилиши кутилмоқда.

– Заводимиз ҳар йили 3 минг машина ишлаб чиқариш қувватига эга, – дейди Бош директор. – Кўрсаткични йилига ишни икки сменада ташкил қилиб 8 минг донага чиқариш ниятидамиз. Мақсад – самарали изланишлар олиб бориб, халқ обрў-эътиборини қозониш, миллатнинг корига яраб, мамлакат тараққиётининг олға силжишига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

– Бутловчи қисмларни ўзимизда чиқариш, яъни маҳаллийлаштириш жараёни қандай кечмоқда?

– Энг катта ниятимиз маҳаллийлаштиришга эришиш. Чунки қисмлар узоқдан келса харажат кўпаяди, таннарх ошиб кетади, – тушунтиради Ё.Қабулниязов. – Кабина – машинанинг муҳим қисми, “бош”и дегандек. Ниҳоят кабиналар ўзимизда чиқарила бошланди...

Бош директор «JV MAN Auto-Uzbekistan» МЧЖ қўшма корхонасининг «MAN Truck&Bus AG» корхонаси ёрдамида катта юк ташувчи машиналар кабинасини ўзлаштириш лойиҳаси амалга оширилгани, йилига 3 минг донадан кабина ўзимизда ишлаб чиқарилажаги ҳақида гапириб берди.

– Қандай ишлаб чиқарилади? – сўрайди Тошпўлат Ўрхун.

– Қолипланган металл кабиналар Хитойнинг “SINOTRUK & EXPORT KO., LTD” компаниясидан келтирилади ва заводда тўлиқ пайвандлаб чиқилади. Кейин кабинани бўяш учун “СамАвто” заводига юборилади. Бўёқдан кейин, Германиядан келтирилган зарур деталь-қисмлар билан биргаликда йиғув жараёни бошланади... Келажакда ҳамма бутловчи қисмлар, Худо хоҳласа, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади. Бунинг учун янгидан-янги заводлар қурилади, кўп иш ўринлари яратилади. Иккинчи томондан, иқтисодий арзонликка эришилади. Ҳозирча кўп қисмлар Германия, Чехия ва Россиядан келтирилади, бу ерда йиғилади. Бир юк машинамиз нархи бозорда 550 миллион сўм туради. Машиналаримизни Қирғизистон, Туркманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Афғонистонга экспорт қиляпмиз. Бозор тобора кенгайиб бормоқда. Мана, 2017 йилдан заводимизда чиройли, хушбичим MAN автобусларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ўтган йили 50 дона чиқардик, бу йил Тошкент шаҳридан яна 80 та автобусга буюртма олдик. Уч эшикли, 60 ўринли, зиналари қулай, газда юради, кондиционерли, дизель моторли. Яшил рангли автобусимизга кўзингиз тушгандир...

– Ҳа, ҳа, кўрдим. Жуда хушбичим, чиройли. Тошкент кўчаларини тўлдириб юрибди, – дедим мен.

Юк машинасини ишлаб чиқариш цехида ишчи ходимлар билан қизғин суҳбат бошланиб кетди:

– Корхонамизда 350 киши ишлаётган бўлса, шунда 150 таси ёшлардир, – дейди Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи завод бошланғич ташкилоти етакчиси Беҳзод Яқубов. У асли Хоразмдан, 2012 йилда Самарқанд Архитектура ва қурилиш институтида менежмент соҳаси бўйича диплом ёқлади. Шу йили заводга ишга кирди. – Ёшларимизга яхши шароит яратилган, ўқийман деганга имконият яратилади, малака оширишга, турли семинарларга юборилади. Мана, яқинда бир гуруҳ мутахассисларимиз Тошкентдаги Турин политехника университетида бўлган семинарда иштирок этиб қайтди. Рамазон Бахтиёров Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежини 2012 йилда битириб заводга ишга кирганди, яқинда уй олди, уйнинг 56 миллион сўм дастлабки тўловини завод қоплаб берди. Кабина ишлаб чиқариш цехи менежери Фахриддин Тўрақулов ҳам намунали уй сотиб олганда, унга завод дастлабки тўлов – 50 миллион сўмни ўтказиб берди. Мисоллар кўп.

Завод касаба уюшмаси раиси, ёшлар устози Маҳмуд Аҳмедов суҳбатга қўшилди:

– Давлатимизда ишлаб чиқаришдаги асосий куч сифатида ёшларга алоҳида эътибор қаратилаётгани яхши самара бермоқда. Ёшлар – бақувват қанотимиз. Заводда буни яққол кўришингиз мумкин. Автомобиль саноати соҳасида малакали ва етук кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани маълум. Тошкент шаҳрида Турин политехника университети, Андижон машинасозлик институти, Асака, Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежлари, Жомбой транспорт коллежи фаолиятининг йўлга қўйилиши ва ушбу масканларда ёшларга халқаро стандартлар бўйича таълим берилаётгани айни муддао эканини таъкидлагим келади. Жомбойдаги заводда ишлаётган ёшлар ҳар йили ўз билим ва малакаларини ошириш учун Германия, Россия(Подольск, Калуга), Эстония, Малайзия давлатларига юборилади. Улар тажриба ўрганиб, маҳсулотнинг идентификацияси, илмий текшириш ўтказувчи, назорат қилувчи, намунали қабул этувчи, сертификатловчи, таққословчи сифатида муддатли синовлардан ўтиб қайтади.

Даврадаги ёшларга назар соламан. Бари чаққон, бақувват, пишиқ, босиқ йигитлар. Барчасининг кўзларида ўт чақнайди – ўзи қилаётган ишидан мамнун инсонлар. 2014 йил Тошкентдаги Турин университети машинасозлик технологияси факультетини битириб қайтган, заводда “Янги лойиҳаларни татбиқ қилиш гуруҳи”нинг етакчи муҳандис-технологи Фарҳод Маматкаримов... Самарқанд Архитектура ва қурилиш институтини имтиёзли диплом билан битирган, Беруний стипендианти, кабина ишлаб чиқариш цехида устабоши бўлиб ишлаётган, 2016 йилда “Шуҳрат” медали билан мукофотланган ўттиз олти ёшли Шерзод Исматов... Самарқандда ўқиган, олий маълумотли, йиғув цехи менежери, ўттиз тўрт ёшли Абдумалик Абдувоҳидов... У – оператор-дастурчи, автомобилнинг электрон-бошқарув қурилмасини дастурлаштириш билан шуғулланади...

Кабина ишлаб чиқариш цехи менежери, завод очилишидан бери ишлаб келаётган Ф.Тўрақулов ғурурланиб дейди:

– Ҳаммамизнинг ниятимиз ва ҳаракатимиз – ўзбек миллатининг салоҳиятини, унинг ҳеч кимдан кам эмаслигини дунёга кўрсата олишдан иборат.

– Ниятингиз холислиги учун ҳам раҳмат сизга! – дедик биз.

Корхонада янги лойиҳалар устида тинимсиз иш кетаётганини кўриб қувонасан киши. Мамлакатимизда туризм ва ички туризмни ривожлантириш бўйича катта қадамлар ташланмоқда. Бу бежиз эмас. Бир мутахассис арбоб билан суҳбатлашиб қолганимда, у дунёда Ўзбекистон сингари ҳам географик жойлашуви, ҳам осори-атиқалари, тарихи, ҳам кўҳна шаҳарлари, табиати билан туризмни ривожлантириш имкониятига бой мамлакат кам, агар туризм яхши йўлга қўйилса, ундан келган даромаднинг ўзи бутун юртни боқади, туризмдан келган даромад – Оллоҳнинг инъоми, деган эди. Шу сабабдан, замон ва бозор эҳтиёжига қараб, бу йил охиригача шаҳарлараро қатнайдиган чиройли ва шинам, жаҳон андозаларига тўла жавоб бера оладиган 45 ўриндиқли туристик автобуслар ишлаб чиқара бошланади. Шу кунларда автобуснинг дастлабки партияси йиғув жараёнида. Транспортнинг барча соҳаларида зарур бўлган мукаммал тайёрланган енгил, ўртача автомобиллар, оғир юкларни ташишга мослашган юк машиналарини ишлаб чиқариш тобора кўпайиб боради.

– Заводда беш иш куни белгиланган, – дейди Аъзам Исоқович. – Ишчилар корхона ҳисобидан ҳар куни тушлик билан таъминланади. Кейинги икки йил ичида юздан ортиқ иш ўрни яратилди. Ишчиларимиз Пастдарғом, Оқдарё, Пайариқ, Жомбой, Булунғур туманлари ва Самарқанд шаҳридан қатнашади. Уларнинг ишга келиб-кетишлари учун 8 та автобус хизмат қилади, ишга олиб келади, уйга элтиб қўяди.

– Маданий-маърифий ишлар қандай йўсинда олиб борилади? – деб сўрайман.

– Энг аввало, ходимларимиз, асосан, ёшлар ўртасида китобхонликни авж олганини айтмоқчийдим, – дейди Аъзам Исоқовович. – Бу яхши. Ўтган йили китобхонлик бўйича кўрик-танлов ўтказдик, даъвогарлар кўп чиқди, ғолибларга нодир китоблар совға қилдик. Бу йил ҳам режамизда “Ўқилган китоб – бойлик” номли кўрик-танлов ўтказишни режалаганмиз. Ҳар йили Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур ҳаётига бағишланган учрашувлар ўтказилади, чунончи, шу йил 5-6 апрель кунлари “Соҳибқирон Амир Темурнинг Марказий Осиё мамлакатлари ривожидаги ўрни тўғрисида”ги савол-жавоб кечаси қизғин ўтди. Ишда илғорларни бой тарихимиз ва маданий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида Бухоро ва Шаҳрисабз шаҳарларига саёҳатга олиб бориш, ижодкорлар, раҳбарлар, санъаткорлар билан учрашувлар ўтказиш, “Фаол ёшлар”, “Маънавият ва маърифат бурчаги”, “Ҳаракатлар стратегияси” стендларини ташкил этишни режалаштирганмиз. “Интернетдан иллат эмас, ҳикмат излайлик” мавзусидаги амалий машғулотимиз ҳам қизиқарли бўлиши кутилмоқда...

Жомбой қадимдан Ватанимизнинг эътиборли масканларидан ҳисобланган. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, Соҳибқирон Амир Темур мўғул босқинчиларига қарши жанг олиб бориш учун ўз қўшинларини кўп марта бу ердан олиб ўтган. Шайбонийхон 1502 йилда Зарафшоннинг Жомбойдан ўтувчи қисмида етти равоқли мустаҳкам кўприк қурдирган. Буюк ўзбек маърифатпарвари ва адиби Маҳмудхўжа Беҳбудий ташаббуси билан 1911 йилда Жомбойда янги усулда мактаб очилган...

Мана энди Жомбой бугун жаҳон билан бўйлашмоқда, унда ишлаб чиқарилган машиналар жаҳон йўлларида елиб юрибди. Уларда “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деган тамға яраклаб туради.

Юқорида “MAN – СИЗ УЧУН” деган реклама ҳақида гапириб, уни ҳикматга ўхшатган эдим. Унинг замиридаги ҳикматни энди тушуниб етгандайман. Аслини олганда, уни бундай ўқишимиз лозим: “MAN – БИЗ УЧУН!”

Ҳа, ҳа, MAN халқимиз учун, биз учун хизмат қилади!

Тошкент – Самарқанд – Тошкент

ҚАДАМИДА ГУЛЛАР ОЧИЛГАЙ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ўқув хоналарига кирдик. Ҳар бири ўн ўқувчи сабоқ олишига мўлжалланган хоналар замонавий стол-стуллар, компьютерлар ва кўргазмали воситалар билан жиҳозланган. Бу ерда ўқувчилар бошқа мактаблардагидек икки кишилик партада ўтирмайди. Ҳар бир ўқувчига ихчамгина бир стол ажратилган. Ўқитувчи доскага дарсни бўр билан эмас, махсус рангли қаламлар билан ёзади. Ёзувни ажратиб кўрсатувчи ранг-баранг елим белгилагичлардан фойдаланади. Синфхонада ҳар бир ўқувчи билан алоҳида шуғулланиш имконияти яратилган.

Мактабдан чиқиб, Ғойибназар қози мадрасаси меъморий ёдгорлиги асосида халқ амалий санъати ва бадиий ҳунармандлик марказини томоша қилдик. Мадрасанинг музей қисмидаги хоналарни кўздан кечирдик. Ибрат домла ўқиган ва ёзган китоблар, ишлаган фотосуратлар (ўша замонда фотосурат ишлаш замона кашфиётларидан ҳисобланган), чинни идишлар, маърифатпарвар шоир ва жаҳонгашта олим Наманганга илк бора Ҳиндистондан олиб келган “Сантур” номли мусиқа асбоби... “Сантур” граммофондан анча илгари чиққан бўлиб, унинг “пластинка”сига Глинка ва Европанинг бошқа буюк композиторларининг ўн иккита мусиқий асари ёзилган экан... Буларнинг ҳаммаси Ибратнинг шахсий буюмлари. Айниқса, Ахси қўрғони тарихига оид чизма суратлар ва маълумотлар, Ибрат домланинг Намангандаги машҳур боғларининг тарҳи, 1620 йилдаги Ахсикентда юз берган зилзила, 1916 йилда Наманган аҳолисининг мардикорчиликка қарши бош кўтарган Курашхона қўзғалони тасвирланган рангтасвир суратлар халқимизнинг кўҳна тарихидаги воқеалар ҳақила ҳикоя қилади.

Музей ҳовлисида узоқ юртлардан юк юртиб келаётган карвоннинг тасвири сополда ишланган. Туяларнинг бурундуғидан арқон ўтган, бўйнига қўнғироқ осилган. Беихтиёр қўнғироқларнинг жаранглаган овози, карвоннинг шовқини эшитилади. Туяларнинг устида қоплар, сандиқлар, хуржунларда китоблар, уч оёқли фотоаппаратлар, расм ишлаш ускуналари, карнайи қозондай патифонлар. Буюк ипак йўлидаги карвонга қўшилиб қолганимизни ҳис этамиз. Исҳоқхон Ибрат 1887 йилда чет эл халқларининг ҳаёти, маданияти, санъати билан танишиш, ўз илмий тадқиқотлари учун мисоллар тўплаш учун Истанбул, София, Афина, Рим каби Европанинг энг ривожланган шаҳарларига сафар қилади. Афғонистоннинг Обул, Арабистоннинг Жадда шаҳарларида яшайди. 1892-1895 йилларда Ҳиндистонга боради, Бомбей ва Калькуттада истиқомат қилади. Ҳиндистондан Бирма орқали Хитойга, сўнгра Қошғарга ўтади, у ердан ўз юрти Наманганга қайтиб келади. Музейдаги туялар карвони Ибрат домланинг ана шу жаҳонгашта саёҳатларидан ҳикоялар сўйлайди.

Ибрат домла ўлкамиздаги илк матбаачилардан бири сифатида, 1908 йил Оренбург шаҳридан литографик машина сотиб олиб, уни Кўқонгача поездда, Кўқондан Тўрақўрғонга туяларга ортиб, катта машаққатлар билан олиб келган ва ўз ҳовлисида “Исҳоқия босмахонаси”ни ташкил қилган. Бу босмахона ўтган асрнинг 60-йилларигача фаолият кўрсатиб келган ва у ерда ўтган давр мобайнида бир қатор илмий-маърифий китоб ва рисолалар, миллий газеталар чоп этилган, уларни тарқатиш учун Фарғона водийси бўйлаб ўнлаб китоб дўконлари ташкил этилган.

Китоб мутолааси ва бадиий асарлар нашрига катта аҳамият қаратилаётган бугунги кундан туриб қарасангиз, ўша даврда Исҳоқхон тўра Ибратнинг бир ўзи нақадар катта ишни амалга оширганини ҳис этасиз.

Музей саёҳатидан катта таасурот олиб, ёш китобхонлар даврасига кириб бордик. Тўрақўрғон тумани мусиқа мактабининг анжуманлар залида таниқли ижодкорлар билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда Ибрат мактаби ўқувчилари, шунингдек тумандаги бошқа мактабларнинг аълочи ўқувчилари ҳамда ўқитувчи-мураббийлари иштирок этишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, шоир Абдуваҳоб Вафоий, Абдумуталиб Қосимов, Юсуфжон Алихонов ва бошқа ижодкорлар мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий ислоҳотлар, адабиётни ривожлантириш, ёш истеъдодларни камолга етказишга қаратилаётган эътибор ҳақида сўзладилар. Ватан, эл-юртга меҳр-муҳаббат мавзусидаги шеърлар ўқилди.

Ибрат мактаби ўқувчилари Муниса Рафиқжонова, Машҳура Хўжааҳмедова ва бошқалар адабиёт ва китобхонлик мавзусидаги савол-жавобда фаол иштирок этиб, араб, инглиз тилларида шеър ўқиб, барчанинг эътиборини қозонди.

Тадбирда истеъдодли ўқувчилар ва муаллимларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Ижод” жамоат фонди томонидан нашр этилган китоблар ҳадя этилди.

Учрашувдан сўнг адабий гурунглар Исҳоқхон тўра Ибрат ҳайкали пойида давом этди.

— Шеърнинг пойдевори нима? — деб ёш ижодкорлардан сўрадик.

— Қофия.

— Мазмун.

— Шакл...

— Бу жавобларнинг ҳаммаси тўғри. Бироқ шеърнинг асосий пойдевори образ, яъни тимсол. Шеър бадиий образ асосига қурилади.

— Қани ким образга мисол айтади?

Ўқувчилардан баъзилари Ватан ҳақидаги машқларини ўқишди. Самимий сатрлар, тоза туйғулар изҳори дилимизни яйратди.

Мактаб ўқувчиларининг илм эгаллаш, тил ўрганиш ҳамда бадиий ижод борасидаги изланишларига муваффақият тилаб, улар билан хайрлашдик. Косонсой бўйидаги файзли хиёбонни сайр этдик.

Хиёбоннинг ўнг тарафидан ўтган сойнинг икки соҳили реконструкция қилинган. Замонавий ва миллий меъморчилик услубида қурилган йўлаклар, зинапоялар, шийпонлар юртдошларимиз сайр қиладиган, мазмунли ҳордиқ чиқарадиган масканга айланган.

Бу ерда уй-жойлар, савдо шохобчалари, кўнгилочар масканлар, аҳоли сайр қиладиган йўлаклар ва бошқа инфратузилма объектлари қурилишини янада такомиллаштириш бўйича Президент кўрсатмалари амалга оширилган. Айни пайтда Косонсойнинг нариги соҳилида улкан бунёдкорлик ишларини поёнига етказиш учун иш қизғин давом этмоқда.

Ёғоч ўймакорлиги санъати билан тикланган саккиз устунли шийпонлар, анвойи гулларга бурканган гулшанлар, мумтоз наволар, замонавий куйлар янграб турган мусиқали фаввора... Барча-барчаси кўнгилга хуш кайфият, кўзга роҳат бағишлайди.

Хиёбон бўйлаб сайр этар экансиз, негадир бу сўлим масканни тарк этгин келмайди. Хаёлимизга келган фикрлар тилимизга кўчади. Ҳамроҳларимиз орасида ёши улуғроқ Юсуфжон Алихонов дуо қилди, барчамиз қўлимизни фотиҳага очдик.

— Бу ерларда Исҳоқхон тўра Ибрат бобонинг табаррук излари қолган. — Илоё, эл-юртимиз тинч, халқимиз фаровон бўлсин. Бутун мамлакатимиз бўйлаб олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари бардавом бўлсин.

Ғайрат МАЖИД,
Рустам МУСУРМОН

Ўзбек мумтоз адабиёти

Рус шарқшунослиги кўзгусида

Шу йил 7-8 август кунлари Тошкент шаҳрида “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтади. Анжуман халқаро адабий алоқалар ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади, унинг доирасида ўзбек мумтоз адабиётининг хорижда ўрганилиши ва тарғиб этилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Мазкур йирик тадбир арафасида таҳририятимиз бир неча мақола ва тадқиқотларни эълон қилишни режалаштирган. Улар янги — “Анжуман олдидан” рукни остида берилади. Қуйида ана шундай тадқиқотлардан бири билан танишасиз.

Жаҳон халқларининг маънавий-маданий йўналишда ҳамжиҳатликка интилиши, бир-бирларининг адабиёти ва санъатини ўрганишга қизиқиши аллақачон табиий жараёнга айланган. Шарқнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётини етарли даражада билиш эҳтиёжи шарқшунослик илми тараққиётидаги асосий омиллардан биридир.

Кейинги йилларда илмий-адабий тафаккур кун сайин янгиланмоқда, ўзбек тили ва адабиётининг халқимиз, жамиятимизнинг маънавий юксалишида, замонавий илм-фан тараққиётида тутган ўрни билан боғлиқ долзарб мавзуларда муҳим илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўзбек мумтоз адабиётини ўрганган рус шарқшуносларининг изланишларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилишга кенг йўл ва имкониятлар очилмоқда.

Рус шарқшуносларининг фактик маълумотларга бой илмий изланишлари туркий халқлар маданияти тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ рус олимлари ўз даврида илм аҳлига тақдим этган айрим манбалар, адабий-назарий қарашлар ҳозиргача илмий муомалага тўлиқ киритилмаган.

Рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиётига қизиқиш салкам 200 йиллик тарихга эга экани ва жуда кенг маълумотлар манбаи мавжудлигига қарамай, мазкур мавзу ҳанузгача махсус текширилмаган. Айниқса, Россия архивларидаги материалларга жуда кам мурожаат қилинган. Ўзбек мумтоз адабиёти бўйича нашр қилинган ишлардан ташқари турли сабаблар, асосан, қатағон туфайли чоп қилинмай қолган тадқиқотлар ҳам талайгина. Мавжуд архивларда мавзуга оид манбалар жуғрофияси ниҳоятда кенг бўлиб, улар асосан Россия Миллий кутубхонаси, Россия ФАга қарашли Санкт-Петербург филиали, Шарқ қўлёзмалари институтидаги шарқшунослар архивларида сақланади. Бизнинг кейинги тадқиқотларимиз айнан архив материалларини юзага чиқариш билан боғлиқ бўлиб, уларни ўрганиш ўша давр илмий-адабий муҳитини ва адабий-эстетик қарашларни очиб беришда алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбек адабиётшунослигида рус шарқшунослари ҳақидаги дастлабки маълумотлар Н.Маллаев ва Э.Рустамов тадқиқотларида учрайди. А.Абдуғафуров ва Ф.Бойназаровнинг мақолаларида Н.П.Остроумовнинг халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ қарашлари ҳамда Комил Хоразмий билан ижодий мулоқотига доир лавҳалар ўрганилган. Баъзи илмий ишларда рус-ўзбек адабий алоқалари, адабий таъсир масалалари ёритилган. Навоий ижоди юзасидан ёзилган тадқиқотларда Е.Э.Бертельс асарларига ҳам кўп мурожаат қилинган. Деярли барча навоийшуносларнинг илмий ишларида олимнинг айрим фикр-қарашларига суянилган. Е.Э.Бертельснинг айрим тадқиқотлари таниқли олим И.Мирзаев томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

XIX аср охири – XX аср бошларида сиёсий ҳуқуқсизлик ва қарамлик гирдобида қолгани, моддий ва маънавий мулки талон-тарож қилинганига қарамай халқимиз ўзлигини сақлаб қолишга, анъанавий қадриятларини давом эттиришга, адабиёт ва санъатда ютуқларга эришишга муваффақ бўлди. Бу, айниқса, ўзбек маърифатчилик адабиётининг, миллий уйғониш даври адабий эстетикасининг шаклланиши ва ривожланишида яққол сезилди. Янги тарихий шароит юртимизнинг маънавий дурдоналарга бойлигини ва уни ўрганиш, кенг тарғиб қилиш ҳар икки халққа ҳам фойдали эканини тушунган Фурқат, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар, Муқимий, Баёний, Ибрат, Фитрат каби илғор ўзбек зиёлиларини етиштириб берди.

Анжуман олдидан

Рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиётига қизиқиш ва илмий ёндашувнинг шаклланишида XIX аср охири XX аср бошларидаги тарихий-ижтимоий омилларнинг аҳамияти катта бўлди. Ўзбек маърифатчилик адабиётининг ривожи, рус-ўзбек маданий-адабий алоқалари, XX аср бошидаги даврий матбуот, дастлабки таржималар, илмий муассаса ва жамиятлар фаолияти маданиятлараро мулоқотнинг тараққиётига кенг имкон яратди.

Ўзбек маънавияти дурдоналарининг тарғиботида XX аср боши даврий матбуотининг ҳам аҳамияти катта бўлди. «Восточный сборник», «Живая старина», «Записки Восточного отделения императорского археологического общества», «Известия русского географического общества», «Мусульманский мир», «Туркестанские ведомости» каби газета ва журналларнинг саҳифаларида рус олимларининг ўзбек мумтоз адабиёти масалаларига бағишланган мақолаларининг ёритилиши адабиётимизга бўлган қизиқишнинг ортишига ва рус шарқшунослигининг ривож топишига хизмат қилди.

Россияда туркий қўлёзмаларни тўплаш ва ўрганиш асосан XIX асрнинг охирги чорагидан бошланган. 1897 йилда шарқшунос К.Г.Залеманнинг ташаббуси билан Россия ФА қўмитасига Ўрта Осиёдаги қўлёзмаларни тўплаш ва ўрганишга маблағ ажратишни сўраб хат ёзилади. Айнан ана шу хат Туркистоннинг моддий ва маънавий бойликлари талон-тарож қилинишига йўл очиб беради ва «талаш операцияси» учун махсус илмий экспедициялар уюштирилади. Экспедиция вакиллари қисқа муддатда маҳаллий китоб савдогарлари, ўз кутубхоналарига эга шахслар билан боғланиб, бир қанча қўлёзмаларни топишга муваффақ бўладилар.

Маънавий-адабий дурдоналаримизнинг катта қисми ҳозирги кунда Россия, Италия, Франция, Туркия, Америка ва бошқа чет эл фондларида сақланади. Бу фондлар таркиби ҳақида рус ва бошқа хорижий тилларда 198та каталог тузилган. Улардан маълум бўлишича, туркий адабий манбалар бўйича сон ва сифат жиҳатдан энг бой фонд Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институти фонди (олдинги Осиё музейи) ҳисобланади. Ҳозирги кунда институт фондида 2432 та туркий қўлёзма мавжуд бўлиб, шундан 953 таси ўзбек мумтоз адабиёти намунаси (девонлар, баёзлар, достонлар ва ҳоказо) ҳисобланади.

Кузатишларимиз рус шарқшуносларини кўпроқ Навоий, Бобур ва XIX аср Хоразм адабий муҳити шоирларининг қўлёзма асарлари қизиқтирганини кўрсатади. Машраб, Атоий, Лутфий, Амирий, Фурқат ва бошқа шоирлар ижоди таҳлили асосан таржима асарларнинг кириш қисмларида берилган ёки бир мақола доирасида чегараланган; бошқа илмий ишларда туркий қўлёзмалар тавсифи, лирик жанрлар, аруз назарияси, Шарқ маданияти ва адабиёти каби масалалар ёритилган.

Рус шарқшуносларидан В.Радлов Юсуф Хос Хожиб ижодини, К.Залеман, А.Пилев — Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, М.Никитский, Н.Берёзин, Е.Бертельс, А.Волин — Навоий, Н.Ильминский, В.Островский, Н.Пантусов, Л.Вяткин, М.Салье, С.Поляков, И.Стеблева, Г.Благова каби олимлар — Бобур, Н.С.Ликошин — Машраб, М.Гаврилов — Ҳувайдо, Н.Остроумов — Муқимий, А.Н.Самойлович — Атоий, Қутб, Лутфий, Навоий, Ҳусайний, Бобур, Амирий, Комёб, Оқил, Табибий, Фаррух каби ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари ижодини тадқиқ қилишган. Аммо бу тадқиқотлар ҳанузгача тўлиқ ўрганилмаган ва муносиб баҳоланмаган.

Албатта, ўзбек мумтоз адабиётини рус шарқшунослигида ўрганиш жараёни бирдан шаклланган эмас. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб рус туркологияси шарқшуносликдан мустақил соҳа сифатида ажралиб чиқади, шундан кейин ўзбек тили ва адабиёти ҳақидаги янги илмий қарашлар, тадқиқотлар юзага кела бошлайди. Рус китобхонини илк бор мумтоз адабий намуналар билан таништирган И.Березиннинг «Туркий хрестоматия»си (1856), М.Никитскийнинг Навоий ижодига бағишланган диссертацияси (1857), Н.И.Ильминский саъй-ҳаракати билан нашр қилинган «Бобурнома», К.Залеманнинг Сулаймон Боқирғоний, Н.П.Остроумовнинг Муқимий ижодига бағишланган мақолалари рус шарқшунослигида дастлабки изланишлар сифатида эътиборга лойиқдир.

Рус шарқшуносларининг буюк хизматларидан бири Европа адабиётшунослигида ҳукмрон бўлган “Навоий тақлидчи, таржимон” деган фикрнинг нотўғри эканини исботлаш билан белгиланади. 1928 йилда Е.Э.Бертельснинг «Навоий ва Аттор» номли мақоласи эълон қилинади. Мазкур ишнинг юзага келиши билан Алишер Навоийнинг «таржимон шоир» эмаслиги тан олинади.

Рус шарқшунослигида Е.Э.Бертельснинг «Лисон ут-тайр» борасидаги изланишлари А.Н.Малехова тадқиқотларида давом эттирилган. Е.Э.Бертельс (1890-1957) ва А.Н.Малехова (1938-2009) бир макон, ҳар хил замонда яшаб ижод этди, уларнинг илмий қарашлари олимлар орасидаги умумий ва хос жиҳатларни ойдинлаштирди. Ҳар иккала шарқшуноснинг мулоҳазаларида герменевтик таълимот мувозанати бузилмаган. Е.Э.Бертельснинг 40-йиллардаги илмий изланишлари ҳақида бундай дейиш қийин, чунки қатағон сиёсати олимни даврнинг мафкуравий тазйиқлари билан ҳисоблашишга мажбур қилган. Шунингдек, уларнинг асар сюжети, Навоийнинг тасаввуфга алоқаси, Фоний тахаллусини танлаш сабаби, Шарқ назиранавислиги хусусидаги фикрлари ҳамоҳанглик касб этади. Масалан, Е.Э.Бертельс шоирнинг тасаввуфни чуқур билгани, аммо сўфий-амалиётчи бўлмаганини қайд қилади. А.Н.Малехова ҳам тасаввуф шоир учун мақсад эмас, восита бўлганини таъкидлайди. Аммо Е.Э.Бертельс масалага тарихий-биографик, А.Н.Малехова структур-систематик жиҳатдан ёндашади. Олим ҳикоятлар моҳиятини сиёсий, ижтимоий-маданий контекстда, майда унсурларигача таҳлил қилади, А.Н.Малехова эса асосий эътиборини асарнинг ички композицияси, муаллиф шахсияти, ҳикоятлар типологияси тадқиқига қаратади. Ҳар иккала тадқиқот моҳиятан бир-бирини тўлдиради. Қарашларнинг бу каби тадрижий такомили «Лисон ут-тайр» достонини турли аспектда ўрганиш мумкинлиги ва давомийлигини кўрсатади.

Рус олимаси И.В.Стеблеванинг илмий изланишларидан бири Бобур ғазаллари семантикасини ўрганишга бағишланган ва бу тадқиқот семиотик таҳлилнинг энг яхши намуналаридан бири ҳисобланади. И.В.Стеблева талқинида, ҳар қандай ғазал анъанавий «мен» ва «маъшуқа» тарзидаги икки семантик марказдан иборат ва бу тузилиш универсал лирик схемани ташкил қилади. Ҳар бир семантик марказнинг ўз микроолами мавжуд. Ошиқ микроолами доим маъшуқа микроламига қарама-қарши. Уларнинг ташбеҳига хизмат қилувчи воситалар ҳам тазодий айланма ҳаракатда бўлади.

Ўзбек мумтоз адабиётининг таниқли таржимони С.Н.Иванов ғазал таҳлилида фақат нима айтилгани билан эмас, нима айтилмай қолгани билан ҳам қизиқиш кераклигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, айнан ўша айтилмай қолган фикр, мисра, байт жанрнинг ўзига хослигини таъминлаши, баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши мумкин.

Хуллас, XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиётининг ўрганилишини тадқиқ қилиш давомида умуминсоний қадриятнинг узвий қисми бўлмиш ўзбек мумтоз адабиётининг адабий-эстетик қиммати бениҳоя юксаклигига, энг асосийси, Алишер Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий каби мутафаккир шоирлар яратган ўлмас асарлар нафақат ўзбек миллатининг, балки жаҳон маданияти ва адабиётининг бебаҳо дурдонаси эканлигига яна бир бор амин бўламиз ва бундан фахрланамиз. Зеро, бирор-бир халқнинг жаҳонда танилиши, энг аввало, ўша халқ маданияти, санъати ва адабиётининг қандай миқёсда тарқалиши ва тан олинишига боғлиқдир.

Гулноз ХАЛЛИЕВА,
филология фанлари доктори

Дилкаш ижодкор Тоғай Мурод асарларини мутолаа қилган пайтларим, қани энди муаллифнинг ўзи билан учрашсам, деб орзу қилардим. 2001 йили “Инсон ва қонун” газетасига амалиёт ўташ учун борганимда иттифоқо севимли ёзувчим билан учрашиш бахтига муяссар бўлдим.

ЎКТАМ ВА МУЗАФФАР РУҲ

“Ҳой, талаба йигит”, деб мурожаат қилар эди у. Баъзан бирга-бирга Сайилгоҳ кўчасидаги рассомларнинг ижодий ишларини кузатар эдик. Тоғай аканинг ўткир нигоҳини, ҳар бир суратдан бир маъно излаётганини, нималарнидир кашф этаётганини сезардим.

Кейинчалик билишимча, адиб ҳар куни ижод билан банд бўлар экан. Ёзганларида ҳаётий воқеалар мужассам эди, ўзига хос услуб уфуриб турарди. Кузатишларим менга катта сабоқ бўлди. Энди уларни ширин хотиралар билан ёдга оламан. Ҳар бир сўзини, насиҳатини эслайман. У киши шунчаки гапирмас, ҳар бир сўзида дард бордек эди. Соддалик, самимийлик юз-кўзида барқ уриб турарди.

Хотира — азиз

Раҳматли устоз ижодида эстетик руҳ, маънавий тарбия ва маърифий юксалиш асардан-асарга кучайиб борарди. Ўқиганингизда равон йўлга тушиб қолганингизни ва йўл атрофида бетакрор гўзал манзара, ложуворд осмон, сайроқи қушлар, хандон ураётган шарқироқ сой кўз ўнгингизда намоён бўлади. Ўктам ва музаффар руҳ бор уларда. Қадамлар чақин-чақин...

Устознинг умр йўлдоши Маъсума Аҳмедова билан “Олтин қалам” газетасида бирга ишлаган пайтлар Тоғай аканинг ҳаёти билан боғлиқ қизиқарли воқеаларни тез-тез ёдга олардик. Ўзига хос услубга эга, адабиётга дурдона асарлар ҳадя этган ёзувчининг мангуликка дахлдор ижоди узоқ йиллар ёшларнинг маънавий тарбиясига хизмат қилади, албатта.

Мансур ЮНУС

Адабий-бадиий нашрлар

“ЁШЛИК”

2018 йил 4-сон



Журналнинг илк саҳифаларида берилган Ф.Ҳайит ва А.Мурод мақолаларида бугунги ижодкорларга қаратилаётган эътибор, атоқли адиблар номидаги ижод мактаблари, уларда яратилган шарт-шароитлар ҳақида сўз юритилади.

Ушбу сонда шоирлардан Мирзо Кенжабек, Шоҳсанам Нишонова, Носиржон Жўраевнинг шеърларини, Байрам Айтмуроднинг ҳикоясини ўқийсиз. Жаҳон ҳикояси туркумидан канадалик адиба Элис Монронинг “Ижара ижодхона” номли ҳикояси (инглизчадан Г.Муҳаммадалиева таржимаси) берилган. Устоз адиб Шуҳрат ҳақидаги дил сўзлари, фотолавҳалар, тадқиқот ва турли мавзудаги мақолалар журналнинг ушбу сони мундарижасини бойитган. Атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг “Сабоқ” рукнида берилган инсон ва эзгулик мавзусидаги фикрлари қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётир.

Чингиз АЙТМАТОВ

ЗАВҚ БИЛАН ЯШАШ КЕРАК

Мен инсон табиатни қадрлай билиши, ундан завқ, баҳра олиши кераклигини биламан. Шуни ҳам тушуниб етиш керакки, инсон — табиатнинг бир парчаси, табиат унга яшаш учун берилган макон, яшаганда ҳам фақат бир марта ақл ва завқ билан яшаши керак.

* * *

Инсон табиати шундай яратилганки, у тез-тез хато қилиб туради: ўткинчи ҳою ҳавасни кўпинча ҳақиқий Муҳаббат деб ўйлайди. Асл муҳаббат оғриқ билан келади.

* * *

Инсон гоҳ-гоҳ дуч келадиган ҳар бир муваффақиятсизликни бахтсизлик деб ҳисобламаслиги лозим. Ким билади дейсиз, балки ҳақиқий бахт кичик муваффақиятсизликдан бошланар?!

* * *

...Заминдан маҳрум қилиш мумкин, бойликдан маҳрум қилиш мумкин, ҳаётдан ҳам маҳрум қилиш мумкин. Лекин инсон хотирасига тажовуз қилиш... чидаб бўлмас фожиадир.

* * *

Табиатни қандай қилиб асраш, урушлардан, техникавий тараққиёт келтириб чиқарадиган кулфатлардан ҳимояланиш тўғрисида бош қотиришдан аввал маънавий маънода инсон қандай қилиб инсон бўлиб қолажагини, нафақат ақл-идрокли мавжудот шаклида эмас, балки ҳис қиладиган, виждонли инсон қандоқ бўлиши кераклигини билмоқ керак.

* * *

Дунё инсон учун керак — одам унинг асл моҳиятини тушуниб олиш учун яратилган, шу боис ҳам дунё турибди.

* * *

Бахт дегани дилларнинг уйғунлашиб кетиши деган сўз.

* * *

Ҳар бир янги авлод ўз ҳаётини бошқа мамлакатларда рўй берган кўтарилиш, тараққиёт билан таққослаб кўради ва таназзул сабабларини қидиради. Агар таназзул сабабларини тўғри топса, энди ўтмишдаги хатоларни такрорламасликка интилади, тўғри йўлга тушиб олишга ҳаракат қилади.

* * *

Эзгулик салгина чекинса — бас, унинг ўрнига дарҳол ёвузлик мустаҳкамланиб олади.

* * *

Ёмон ният билан инсонни шафқатсизликка ундашса, у эса бунга қарши туролмаса, бу ҳолат кўпроқ шафқатсизликни рағбатлантиради.

* * *

...Одамлар ҳар хил тилларда гаплашадилар. Бироқ фақат битта тилда — юрак деб аталмиш забонда севги изҳор қиладилар, қувонадилар, соғинадилар.

* * *

Ирода, матонат йўқ жойда севги-муҳаббат тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Гоҳида муҳаббат менга қандайдир компьютер қурилмасига ўхшаб кўринади. Агар кўзга кўринмас бирорта мурват ишдан чиқса — бас, бутун бошли мураккаб буюм сариқ чақага қиммат бўлиб қолди.

* * *

Коинот миқёсида инсон умри пашшанинг умридай гап. Бироқ инсонга тафаккур ато қилинган, шу нарса унинг умрини узайтиради. Лекин акси ҳам бўлади — кескин қисқартиради ҳам.

* * *

Фақат миллий, халқона таълим-тарбия билан маънавият, ички маданият пайванд қилинсагина одамларни ҳар қандай пасткашликдан, тубанликдан асраб қолиш мумкин.

“ШАРҚ ЮЛДУЗИ”

2018 йил 4-сон

Журналнинг назмга бағишланган саҳифаларида бугун фаол ижод қилаётган бир гуруҳ шоирларнинг янги туркумлари босилган. Ўткир Раҳмат, Собир Жаббор, Тошпўлат Аҳмад, Дилором Исмоилова ва Ҳалима Аҳмедованинг шеърларини, Исмоил Маҳмуд Марғилонийнинг ғазалларини ўқиб, бугунги адабий жараённинг қайноқ нафасини ҳис қиласиз. Таниқли шоир Шуҳратнинг ижодидан намуналар ўқийсиз.

Муҳаммад Саломнинг “Келин”, Гулчеҳра Асрановнинг “Дилбанд” ҳикояларида замондошларимизнинг қувонч ва ташвишлари ҳаётий воқеалар тасвирида кўрсатилган. Таниқли шоир Барат Исроилнинг кўнгил кечинмалари-умр ҳикматлари ҳам сизни бефарқ қолдирмайди.

Шунингдек, ушбу сонда болалар адабиёти муаммоларига, бадиий санъат, театр табиати мавзуларидаги мақола ва тадқиқотлар эълон қилинган. Жумладан, Аҳмаджон Мелибоев “Улуғ адибнинг улуғ нияти” мақоласида шундай ёзади: “Чингиз Айтматов ўзбеклар диёрини ўз юртидай, одамларини туғишган оға-иниларидай қадрлади. Миртемир, Зулфия, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Шукрулло, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Мақсуд Қориев, Зиёд Есенбоев, Ботир Зокиров, Асил Рашидов, Анвар Жўрабоев, Суюн Қораев, Париза Муҳаммаджонова ва бошқа кўплаб ижодкорларни яқин дўст билиб, улар билан умрининг охиригача самимий мулоқотда бўлди. Чингиз оға Ўзбекистонда унинг ижодига зўр қизиқиш билан қаралаётгани, баъзи асарлари қирғиз тилида чоп этилаётган асарларидан кўра ҳам кўп нусхада босилаётгани, ўқувчилар уларни севиб мутолаа қилишаётгани, “Сарвқомат дилбарим”, “Момо Ер”, “Оқ кема”, “Алвидо, Гулсари”, “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар” ўзбек саҳналарида намойиш этилаётгани, таржимонлар, режиссёр ва актёрлар бор маҳоратларини ишга солиб, унинг ўй-фикрини китобхонга, томошабинга тўғри етказишаётгани, республика олий ўқув юртларида ижодига бағишланган анжуманлар доимий равишда ўтказилаётганидан хурсанд эди”.

“ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ”

2018 йил 1-сон



Журналнинг ушбу сони асосан Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги муносабати билан улуғ шоир ва мутафаккир ижодий меросининг турли қирралари ёритилган янги тадқиқот ва мақолалардан таркиб топган. Жумладан, Н.Каримовнинг мақоласида Ўзбекистонда навоийшунослик фанининг шаклланиш тарихи ҳақида сўз юритилса, И.Ҳаққулнинг тадқиқотида шоир ижодидаги ирфоний маънодаги “адам ва вужуд” фалсафасининг бадиий талқинлари таҳлил қилинади. Йигирматага яқин илмий мақолаларда мутафаккир адибнинг турли жанрлардаги асарлари, уларнинг хориждаги нусхалари, бадиий хусусиятлари, Навоий анъаналари каби навоийшуносликнинг долзарб масалалари ёритилган.

Шунингдек, ушбу сонда Н.Маҳмудовнинг “Илмий матнда киритма”, Т.Мирзаевнинг “Гўрўғли” туркуми достонларининг яратилиш даври масаласига доир” номли тадқиқотлари, илмий ахборот мазмунидаги мақолалар, ахборотлар эълон қилинган.

Зебинисо СОАТОВА тайёрлади.

Муҳтарама УЛУҒОВА

ХУШХАБАР АЙТ, ВАТАНДОШ

Тонгги тилак

Қувончингни айт менга,
Дилда, қўлда ганжингни.
Истасанг, нуқра шодлик
Тўсар тоғдек ранжингни.
Шубҳаланма мавқеим,
Сипо, одми эгнимдан,
Жумбоқ туюлса агар
Сўзларимдан, феълимдан.
Хушхабар айт, ватандош,
Нурларга чўлғанаман.
"Бир шодлигинг минг бўлсин!" –
Дея дуо қиламан.

* * *

Умрим – бир соғинч, шаҳди дарёларга етгулик,
Эҳсонлар таскин бўлмади гарчи самога етгулик.
Муҳаббатга гадолик қисматим, деб кўнгандим,
Қалбга бир ишқ тушди – бахти икки дунёга етгулик.

* * *

Қалбимда неки орзу-хаёл – қаддини шамшод қил,
Мағзини малҳам, азмини шаҳдам, изини обод қил.
Очун дилида дарду ғубор бўлмоқдан асра, ё Раб,
Дунё чаманин ҳарки қаро нуқтадан озод қил.
Бу жисму кўнгил мўъжизаи ҳикматингга тимсолдир,
Гўёки уммон мавжида сонсизлар аро бир солдир,
Покиза эса қалбим оби нур баҳрида қолдир,
Инкори эса мен йўлчига имдод қил – барбод қил.

Тавба

Мен қайдан биламан: ким кимдир?
Зоҳиди ичинда не сирдир?
Хулоса айтмоққа шошқалоқ –
Қалбимнинг байроғими кибр?..
Шукронам кўксида тавбамдир,
Дунё – биркам, тавбам минг камдир.

Савобга гуноҳ ҳамқадамдир...
Давра йўқ – дил гумон суқмаган,
Тилим, дод, ғийбатдан қўрқмаган,
Очиқ кўз қалб кўзим қулфлаган.
Паст, баланд демоққа не ҳаддим?
Хулоса айтмоққа не ҳаққим?
Ўзига раҳм этса-чи қалбим.
Елкамда умрмас, ғафлаттоғ,
Қаровсиз, мевасиз, нурсиз боғ...
Умидсизликдан асра, Аллоҳ!
Қайтдим, мен буларни айтмадим,
Тилимдан нарига ўтмадим.
Сўрайман: нурлантир матлабим.

* * *

Ҳашамдору оддий уйларни
Бир-бир ташлаб кетамиз – тайин.
Ёпмоққа вақт, имкон йўқ.
Кейин –
Бу уйлардан излар қолганлар
Не қадрли бўлса ўзига.
Кетганлар-чи, то Маҳшаргача
Интиқ фақат "раҳмат" сўзига.

Ҳаёт

Ҳаёт қуроқ эмас: турфа ранг,
Турфа сифат матони йиғиб,
Матоҳ қилсанг оқни қорага,
Шойига бўзни йўрмаб тикиб.

Ҳаёт – гўзал қуроқ: турфа ранг,
Турфа сифат матолар – неъмат.
Тилин топиб,
Сирин топиб,
Йўлин топиб
Оқни қора, шойини бўзга
Нафис чок-ла уласанг – санъат.

* * *

Ўйлабман:
Карвон ўтар,
Лойқа тинар,
Кўтарилар ғалвирлар сувдан.
Сўйлабман:
Из узра – из,
Ғалвир тубсиз,
Соҳилларни тўлқинлар ювган.
Кўряпман:
Ғалвирда-да тўкмай, сочмай,
Ҳарки аъмол қатин очмай
Карвон тақдир бозорига –
Элтгач, ёйган...

Ҳар куни

Қўлимдан келгани – қалб уйингизни
Ғаму ташвишлардан асраш, қадрдон.
Савоб умидида дардим яшириб,
Ёлғондан гулдаста ясаш, қадрдон.
Ўхшамай, келишмай, ярашмай қолса,
Ишончни гумонга сотманг, қадрдон,
Ахир мен-ку сизни яхши кўраман,
Йўқ жойдан гуноҳга ботманг, қадрдон.

* * *

Бўлолмадим сизга муносиб,
Шарт уздингиз йўқлов, чорловни.
"Кўнар, сўнар, ўчар..." дедингиз
Кўксимдаги лаҳча оловни.
Кўнармикин, сўнарми, ўчар?..
Жавоби йўқ ўйга янчилдим.
Бир кўча, бир из гардин тилаб
Кўчаларга қумдек сочилдим.
Бир кўча, бир из гарди учун
Умрин совурмайди оқиллар.
Мен-эй... нодон узо-оқ тутадим,
Сўнг ўт тушди – ўрлар ёлқинлар.

Тўртликлар

Хафа бўлма, агар сени тушунмасалар,
Қалбинг англаб, ҳолатингга тушолмасалар,
Ахир ўзинг – гумон қули, ишонмагансан,
Қаричингдан бошқасига тушолмагансан.

* * *

Умидга қоришсин ибодатларинг,
Ишончдан ёришсин муножотларинг.
Истиғфорга томган кўз ёшинг – юлдуз,
Ҳар тунинг Қадр ўлсин – қалбингда кундуз.

* * *

Бу нафас, тўрт мучам гарчи омонат – меники,
Қонимда не фасл, турфа хаёлот – меники.
Сизни шод этмоққа борим нисор-у,
Тушунинг, азизим, изну ихтиёр – Уники.

* * *

Насиб этса, муҳаббатинг этасан изҳор,
Насиб этса, изҳорларинг қиласан инкор.
Икки қутб ўртасидан оғишга шошма,
Насиб этса, бош кўтариб юрмоғинг ҳам бор.

Александр ПУШКИН

ЭЗГУЛИК ТАХТИДА КУЙЛАДИМ

Пайғамбар

Руҳан ташна, азоб, ташвишда
Сарсон эдим зулмат саҳрода –
Ва олти қанотли фаришта
Аён бўлди чорсу, арода.
Қўли енгил, мисли ёруғ туш
Кўзларимга тегиб ўтди хуш:
Кароматли кўз очдим, тийрак,
Бир полопон бургутдай ҳуркак.
Қулоғимга теккан ўшал чоқ
Оҳанг тўлди жаранг ва шовқин:
Ва ҳис этдим самовий титроқ,
Ва тоғдаги ҳурлар парвозин,
Ва сув ости мавжудотини.
Ва дунёнинг набототини.
Ва у тегди лабимга, билдим,
Ва суғурди гуноҳкор тилим,
Ва вайсақи, шу сўзлар ёлғон,
Ва найзадай, донишманд илон
Тилин солди карахт оғзимга
Қонли қўли билан бир зумда.
Ва қилични кўксимга урди,
Ва титроқ юрагим суғурди,
Ва чўғ солди, ловуллар олов,
Ёриқ турган кўксимга дарров.
Мурда мисол ётардим, саҳро
Ва Тангридан келди бир садо:
"Тур, пайғамбар, қара ва тингла,
Адо эттил сен менинг амрим,
Еру сувни айлан ва англа,
Сўз билан ёқ одамзод қалбин".

* * *

Бегона юртларнинг содда мафтуни
Айблар эдим мен ўзни доимо,
Дердим: Ватанимдан топгумми уни –
Бирор соғлом ақл, бирон-бир даҳо?
Қани олижаноб қалбли фуқаро,
Сурурли, оташин, эркин ва холис?
Қани аёл – ҳиссиз эмас, дилрабо,
Қани ёндиргувчи, гўзал, олов қиз?
Самимий суҳбатни топайин қайдан,
Ёрқин, маърифатли, қувончли – қайдам?
Кимга юкунайин самимий дилдан?
Ватанни қарийб ёмон кўрардим –
Лекин Голицинни кеча кўргандим
Ва муроса қилдим Ватаним билан.

* * *

Дилхуш ёки дилгир дамларим
Бир замонлар, саркаш лирамда
Телбалик ва изтиробларим
Куйлар эдим нозик оҳангда.

Ўшанда ҳам жаранглаган тор
Беихтиёр тинарди уни,
Ногоҳ сенинг созинг – улуғвор
Ҳайратларга солганда мени.

Шашқатор ёш тўкканда кўзим
Ва виждоним ярасига ҳам
Сенинг айтган муаттар сўзинг,
Тасаллидай бўларди малҳам.

Ва ҳозир ҳам руҳ самосидан
Чўзадирсан менга қўлларинг,
Ва меҳрли, ройиш куч билан
Тиндирасан асов ўйларим.

Оловингда ёнган қалб тунлар,
Қувди дунё зулматин ахир,
Ва фаришта арфасин тинглар
Илоҳий ваҳм ичида шоир.

Рус тилидан ҲУМОЮН таржимаси.

* *Кадило – исириқдон, ибодат вақтида ишлатилади.*

Аҳмад ХЎЖА

ЯНГРАТАЙ ДИЛ СОЗИНИ

Бедорлик

Сукут оғушига чўкмоқда олам,
Мағриб қучоғига кун ботаётир.
Бир ёндан Шарқ уфқи қизариб бу дам
Қуёш чиқаётир –
тонг отаётир.

Мангу зулмат аро қолмагай жаҳон,
Ғафлат босолмагай башарни мутлоқ –
Бу рўйи заминда ҳар зум, ҳар қачон
Қаердадир, кимдир
Ҳамиша уйғоқ!..

Баҳорнинг келиши

Яхши эмас табиатнинг
Ишларини қоралаш.
Қизиқ ҳолат: ёғаётир
Ёмғиру қор аралаш.

Қор – қаҳратон тимсоли,
Ёмғир – баҳор белгиси.
Қишнинг сира кетгиси йўқ,
Баҳорнинг бор келгиси.
Фаслларнинг бари гўзал,
Керак эмас саралаш.
Нима қипти, икки фасл
Бўлиб кетса аралаш.

Баҳору қиш,
Ёмғиру қор
Бугун дилни хушлашар.
Кўклам бизга берар салом,
Қиш-чи, хайр-хўшлашар...

Бегона боғлар

Бегона боғларга қилгил-у ҳавас,
Ҳеч қачон улардан ахтарма нуқсон.
Қадрдон боғингни яшнат ҳар нафас,
Фақат ўз боғингдан умид қил эҳсон!

Ташвиш кўп,
Ўзингдан ортмаган маҳал,
Майлига, чекмагил дунёнинг ғамин.
Ўз боғин гуллатса ҳар ким лоақал,
Обод бўлаверар бу яхлит замин.

Ўйлар

Ҳаётимда ҳатто бир бор омад кулиб боқмади,
Букун нега бўлсам эга – меҳнатимнинг меваси.
Гарчи биров йўлларимга ёрқин маёқ ёқмади,
Қояларга урилмади, шукр, умрим кемаси.
Билмам, нечун юрагимни ўртамоқчи армонлар,
Нега тенгсиз иқболларга бўлмадик, деб сазовор.
Мен ўзимга ўзим дейман шундай
руҳ тушкун онлар,
Бардошли бўл, меҳнат деган,
заҳмат деган гаплар бор.

Гоҳи пайтлар орзуларнинг шаробидан
маст бўлдим,
Вақтлар бўлган, севинчларнинг
уммонига чўкканман.
Баъзан эса бекас қолдим, бир толеи паст бўлдим,
Кечалари ҳилватларда пинҳона ёш тўкканман...
Тасодиф бахт телба айлар, андуҳлар-чи девона,
Яхши экан бу дунёда ҳар неда бўлса меъёр!
Менга танҳо шодлик бекор, ёлғиз ғам ҳам бегона,
То ҳаётда кулгу деган, қайғу деган гаплар бор!

Йўлларимда учраб қолса ногаҳон бирон дарахт,
Мевасига қўл чўзмасман – эмасман, ахир гадо.
Енгил омад керак эмас, керак эмас текин бахт,
Мен топмоқда комрон бўлмай, излашда бўлай адо.

Орзуларим поймол бўлгай – ўзни сезсам беармон,
Одамзодга рангин-рангин олис уфқлар даркор!
Эзгу мақсад йўлларида, майли, бўлай саргардон,
Гар қисматда кураш деган, нураш деган гаплар бор...

Қалб тубида уммон каби ҳисларим урар тўлқин,
Гоҳ ўзимни ҳис этаман отилар вулқон янглиғ.
Лекин недир бул шиддаткор руҳимни айлар сўлғин,
Гоҳ имоним қаршисида имконим қилар танглик.
Яширмоққа мажбурдирман баъзан юрак зарбимни,
Бир қаро кун туйғуларга келмасайди кўксим тор.
Ҳайрон бўлманг, гар талошлар вайрон этса қалбимни,
Замон нозик, ўйлаш деган, сўйлаш деган гаплар бор...

Бўйла, тошган дарё суви – соҳилларда беимкон,
Ўзанига қайтмоқ учун йўл тополмай чекар ғам.
Қанча беҳад бўлган билан бу замин, бу осмон,
Не ҳайраткким, муҳожирга тор эрур сўнгсиз олам!
Дилда чексиз ҳасрат билан самода кўчар юлдуз,
Гулзоридан айри тушган булбул доим нолакор!
Ҳар кимса ўз юртини оламда билар тенгсиз,
Ки, ҳаётда чаман деган, Ватан деган гаплар бор.

Она юртим қучоғида янгратай дил созини,
Халқим орзу-умидлари шеърга бахш этсин жаранг.
Мадад берсин, сабот билан енгай илҳом нозини,
Тенгдошларим қўшиғига куйим бўлсин ҳамоҳанг.
Не куйларга тушмасин шоир зоти қисматан,
Доимо ўз даврининг нафасин этган изҳор.
Шайдо дилга ғурур берган, қўшиқ берган шу Ватан,
Не сабабким, замон деган, макон деган гаплар бор...

Истайманки, умрим ўтсин ўтли қўшиқ сингари,
Фақат, денгиз суронлари кетмасин уни босиб...
Майли, унча замонамдан кетолмадим илгари,
Бахтдир унинг шиддатига бўла олсам муносиб.
Дилда орзу тошган билан – ҳақ ҳақиқат овози,
Мен-ку шовқин солмагайман,
бўлсин деб доим баҳор.
Ҳуқуқим йўқ тақдиримдан бўлмоққа ҳам норози,
Бу дунёда камол деган, завол деган гаплар бор...

Кўчқор НОРҚОБИЛ

АКТРИСА

Ҳикоя

Томоша саройи зир титради, чайқалиб кетди. Зал гувиллаб тўлқин урди — одамлар ўрнидан туришди. Зал ларзага келди. Узоқ вилоятнинг чекка туманида яшаётган содда ва тўпори, оққўнгил одамларнинг юрагидан олқиш отилди. Актрисанинг кўзлари жимирлади, у йиғларди.

Актрисанинг бир зум оёғи ердан узилди, олқиш оғушида чайқалиб юксакларда парвоз эта бошлади. Ҳа, у бундай ҳолатни бир неча бор бошдан кечирган. У гулдурос қарсаклар забтидан ҳаволаниб учаркан пастда, тебраниб турган одамлар тўлқини ичида унга ўқрайиб қараб турган бир жуфт кўзни кўрди, аъзойи баданни жимирлаб кетди, сўнг гупиллаб ерга қулади. Борлиқ зимистон тортди, фақат ҳаяжон олови ичра парвоз завқи сеҳрлаган вужудида ҳеч қандай оғриқ сезмади.

– Нима бўлди, а-а, нима бўлди?

– Зинапоядан йиқилиб тушди.

– Тез... тез ёрдам чақиринглар. Эҳтиёт бўлиб кўтаринглар.

– Э-е-ей, ўнг қўли шалвираб қолибди.

– Нима-а-а-а? Нима қилибди?

– Елкаси, ўнг елкаси чиқиб кетибди.

Артист деворга суяниб беҳол ўтириб қолди. Икки қўли билан бошини ушлаб иҳради: "Ёмон бўлди... Жуда ёмон бўлди".

Актрисани шифохонага олиб кетишди.

Жанубнинг жизғанаги чиқиб турган кунда ҳам костюм-шим кийиб, бўйинбоғ таққан маҳаллий тўра дағ-дағ титраган кўйи таниқли артистга илтижо билан боқди:

– Акажон, энди нима қиламан?

– Мен қаердан билай?, — тутақди артист.

– Мен сизларни вилоят марказига соғ-омон кузатиб қўйишим шарт эди...

– Фалокат-да, ука, фалокат!, — юмшади артист.

– Шу фалокат келиб-келиб шу ерда бўладими-а?

Артист ниманидир сезиб ижирғанди:

– Фалокат ҳар ҳолда сизни танламади-ку?..

– Марказда эртага бўладиган томоша-чи? Минг кишилик санъат саройида одам йиғилади. Ҳокимнинг ўзлари ҳам қатнашишлари керак. Мен энди нима дейман?

Артист чидаб туролмади:

— Бу ёқда сени Худо урди, у ёқда эса ҳоким уради.

Маҳаллий тўра сапчиб тушди. Атрофдагиларга кўзлари жовдираб қаради, э-е-ей, кўзидан ёш оқаяпти, кўз ёшлари юзида кўпчиган тер томчиларига қўшилиб оқаяпти. У нимадир эсига тушиб ён-атрофига аланглаб қаради. Бу ҳодисадан сўнг ҳушини йиғиб-йиғолмаган аҳли санъат ичида қаққайиб турган мирзатерак тўрачага ўқрайди (тўрача ҳам раҳбари каби костюм-шим кийиб, бўйинбоғ тақиб олган).

– Сен нима қип сўррайиб турибсан? Чоп, шифохонага чоп! Дўхтирларга айт, нима қилиб бўлсаям тузатишсин... даволашсин!!!

Тўрача энди оёғини қўлига олиб шамолга айланишга чоғланган эди, бошлиқ унга яна ҳамла қилиб қолди:

– Менга қара, томошага анави Исмат кал ҳам келиб эдими-а?

Тўрача нигоҳи билан ер чизди:

– Иложи бўлмади. Барвақт келиб энг охирги ўриндиққа бориб ўтириб олган экан. Кейин кўрдик. Шунинг учун... иложи... Кириб эди-да, кириб эди.

– Мен сенинг терингни шилиб оламан! Шошмай тур ҳали!

Таниқли артист ҳайрон, бошқалар лол. Артист: "Бу одам эсини еб қўйганми?", деган маънода унга англайиб қаради. Тўра артистнинг қўлидан ушлаб четга тортди:

— Акажон, артист опага кўз теккан. Точно, кўз теккан. Анави, итдан тарқаган Исмат калнинг кўзи теккан. Кўзи ёмон, энағарнинг. Қараса тамом — қулатади.

– Нималар деяпсиз? — Артист сапчиб тушди.

– Шуйтиб кураш-пурашларга ҳам айтавермаймиз уни. Эҳтиёт бўламиз. Манаман деган полвонга ўқрайиб тикилса бас, полвоннинг оёғи ёки қўли чиқиб кетаверади. Бизда буни ҳамма билади...

Таниқли артистнинг ич-ичидан нимадир узилиб тушди. Оёқ-қўли бўшашиб, эти жунжикиб кетди. Назарида иккита ўқрайган кўз ўқланган қўшоғиз милтиқдай уни нишонга олиб турарди.

– Укажон, бизни тезроқ Марказга жўнатинглар. Кечки овқат ҳам керакмас. Омон-эсон етиб олайлик, барака топгур.

Ўша куни томоша ортидаги томоша шундай якун топди. Автобус Марказ томон жилди. Кайфияти тирриқ ҳолда ойнага бош суяб кетаётган таниқли артистга ёш актёрлардан бири зорланди: "Уста, тайёр банкетни ташлаб кетаяпмиз-а? Ҳалиги, қиттак-қиттак ҳам қолди...". Жавоб қисқа бўлди: "Ўчир овозингни! Чида, ўлмайсан!". Аҳли санъат диму дирс бўлиб Марказга етиб келишди.

... Энди гапни актрисадан эшитинг.

Тунни тонгга етиши қийин кечди. Тун тонгга тутқич бермади. Шифохона ойнасига ёпишиб қолган тун пардасини сидириб ташлаш ардоқли бемор тепасида мижжа қоқмай жонҳалак бўлаётган шифокору ҳамширанинг ҳам қўлидан келмади. Улар беморнинг иситмаси ошиб, қон босими кўтарилиб кетиши, оғриқ юракка зўр беришидан ташвишланарди. Тонгга қадар уколу доринингг куни туғди. Аёлнинг ўнг елкасида пайдо бўлган чидаб бўлмас даражадаги оғриқ тобора зўрайиб томир-томирига, кўкрак қафаси-ю, умуртқалари қадар чанг соларди. Беморнинг ўнг елкасига гўё кимдир аъзойи-танини майдалаб-эзғилаб ташлагудай қилиб дам-бадам гурзи урарди. Зарба унинг жон-жонини қақшатиб қийноқларди. Кейин... кейин гурзи кўтарган қўл ҳавода муаллақ қотиб қолди. Аёл гурзи ушлаб турган қўлни кўрмаслик учун кўзларини чирт юмди. Шунда атроф ёришиб кетгандай бўлди.



Ҳа, атроф ёришиб кетди.

Қизиқ, борлиқ оппоқ, туман ичра чўкиб кетган, ҳавода оппоқ атиргуллар сузаяпти, ҳа, барқ урган оппоқ атиргуллар. У атрофидаги оппоқ атиргуллар тўлқини узра парвоз қилаяптими, сузиб бораяптими, билолмасди. Йўқ, у парвоз қилаяпти. Атиргуллар ичра сузмоқ қандай яхши! У туйқус ўзидан тепада ёниб турган иккита туйнукни кўрди. Шамол уни ана шу ёниб турган олов-ўчоқлар сари бошлаб бораётганини ҳис қилди. Икки ўйиқ олов-ўчоқ бир маҳал улкан икки важоҳатли кўзга айланди. Атрофни бирдан зимистон қоплади... Аёл жон уҳмида қичқирмоқчи бўлди, овози чиқмади.

Кўзлар уни ютиб юборишга шай, энди улардан гувиллаб вулқон отиларди. Аёл жон талвасасида пастга, заминга қаради. Чексиз тубсизликда қолган ерни кўрди. Ер бағрида нур таратиб турган гумбазли бинони ва унинг ёнида жимирлаб оқаётган дарёни кўрди. Шу чоғда нурланиб турган гумбазли бино ичини ёриб иккита улкан оққуш отилиб чиқди-да, аёл томон яшин тезлигида парвоз қилди. Лаҳзада икки улкан оққуш аёлнинг ёнидан нур каби ялт-ялт этиб ўтдию, ўз қаърига тортиб кетишга шай турган баҳайбат икки кўзни чўқилаб ютиб юборди. Атроф бирдан чарақлаб кетди, чароғонлик ичра яна оппоқ атиргуллар парвозини кўрди. Аёлнинг лаблари пичирлади:

— Мен сизни кўраяпман, Термизий бобо. Сизни кўраяпман, бобожон. Мени, бизни кечиринг, бобожон. Оққушлар тимсолида онажонимни кўрдим. Отажонимни кўрдим, бобожон... Худойимга шукр, мен ерга қайтдим, бобожон.

Аёл чошгоҳ маҳали кўзини очди. Тепасида турган шифокор елкасидан нафас олди:

— Хайрият-э, ҳаммаси ортда қолди. Иродаси метин экан.

— Спектакль нима бўлади, — деди аёл шифохонага кўргани келган артистга.

— Қўйсанг-чи, ўзингни ўйла.

— Мен Сизларни ноқулай аҳволга солиб қўйдим. Энди нима бўлади?, — қайта сўради актриса. — Спектакль...

— Сен хавотир олма. Томошабинларга вазиятни тўғри тушунтирамиз. Ҳаммамиз ҳам иссиқ жонмиз. Одамлар тушунишади.

— Барибирам-да, — иҳранди аёл.

Аёл кўзларни юмди. Мижжасидан ёш сизди.

...Санъат саройи одамга лиқ тўла. Спектакль бошланишига саноқли дақиқалар қолди. Биринчи саҳнанинг илк эпизоди — актриса ижроси билан боғлиқ кўринишни қолдириб кетадиган бўлишди. Саҳнага чол (таниқли артист) чиқди. У кампири (актриса) бажариши лозим бўлган юмушларни ўзича адоғига етказиб, саҳнага кириб келиши кутилаётган ошнаси Эсонқулга пешвоз чиқиши керак. Ана, чол сув солинган идиш томон юрди. Ошнаси Эсонқул чолнинг кириб келишини кутаяпти. Шу маҳал... шу маҳал денг, саҳна ортидан кимнингдир ожизона йўталгани эшитилди. Чол ҳушёр тортди, бир зум саҳна бурчига анграйиб қараб турди.

Шу тобда... тахтакачлаб тортилган ўнг қўлига гипс урилган, эгнига қирмизи желак ташлаб олган кампири Гулсум момо саҳнага чиқиб келди.

— Э-е-ей, момоси, келдингми, — деди чол титраб-қақшаб.

Кампир базўр жилмайди:

— Келдим, бобоси, келдим.

— Менга нега хабар бермадинг. Шифохонадан ўзим бориб олиб келардим-ку.

— Сизни безовта қилмадим-да...

Чол оғир ютинди. Чолнинг кўзларидан тирқираб-тирқираб ёш отилиб кетаверди.

— А-й-ей, момоси-я! Ахийри чидай олмабсанда-а?

— Бир ўзингиз қийналиб қолманг дедим-да. Ҳовли ҳам тўзғиб ётибди-я, — кампир супа томон юрди.

Чол унинг атрофида гиргиттон бўлиб, кампири қиладиган ишларга ҳам урина кетди: "Сен қўй, ўзим қиламан, қўлингга эҳтиёт бўл!".

— Эшик тақиллаяпти. Эсонқул ошнангиз келиб қолди-ёв...

— Тўхта, ўзим очаман, — чол саҳна бурчига йўл олди.

— Бовоси...

Чол таққа тўхтади. Иҳранди:

— Ҳа, нима дейсан? Қўлинг оғрияптими?

— Йўқ, эртага Термизий бобомни зиёрат қилиб келайлик.

Чол турган жойида бир чайқалди. Овозига оғриқли титроқ кўчди. Бир зум тош қотиб турди.

—Хўп... хўп... Албатта борамиз...

— Боринг, энди эшикни очинг, — жилмайди кампир...

ИҚТИДОРИ ЕТАКЛАГАН ОДАМ

Иқтидор насиб этган кишилар теран фикрлайдилар, ён-атрофдаги воқеаларга бефарқ бўлмайдилар. Муҳими, улар билан суҳбатлашсангиз пурмаъно фикрлари, ўткир мушоҳадалари сизни лол қолдиради. Шукрки, Аллоҳ каминани иқтидор эгаларидан бири бўлган Илёс ака Лутфуллаев билан учраштирди. Бу инсоннинг ҳаёт, давр муаммолари борасидаги, яшаш, ёшариш ҳақидаги қарашларини, фалсафий ўйларини тингласангиз куйларига қизиқишингиз, ўзига ҳурматингиз чандон ортади.

Тахтапулда ҳовлимиз бўларди. Анҳор боғимиздан ўтгани сабаб ҳовли йўлдан пастроқ эди. Ғофур акам дутор чалиб, "Ушшоқ"ни айтганларида йўлдан ўтаётганлар тўхтаб тинглашганини кўрардим. Ўша ўсмир пайтларимда дуторга меҳрим кучли бўлган. Нега ўшанда дутор чертишни қунт қилиб ўрганмаганимга ҳали-ҳануз армон қиламан. Қолаверса, акам қирққа тўлмай ўтиб кетди. Тўғри, оламда армонсиз одамнинг ўзи йўқ. Лекин армон ушалиши учун интилиш зарур. Ўрганишнинг эса, эрта кечи бўлмас экан. Ёшим етмишни қоралаганда яна дуторга меҳрим уйғонди. Дастлаб ёшлар "Камолот" уйида Моҳинурхондан нотани ўргандим, эндигина қўлим ҳаракатга кела бошлаганда у турмушга чиқиб кетди. Орзуим ушалиши йўлида Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги иқтидорли болалар академик лицейи томон йўл олдим, директор ўринбосари Қундузхонга учрашдим. Мақсадимни тушунгач, Илёс Лутфуллаевга учрашишимни айтди. Албатта, ёшимга нисбатан олдимга қўйган мақсадим ҳар қандай устозни ажаблантириши тайин. Лекин орзуга айб йўқ, деган гап ҳам бор.

Дастлабки пайтларда устознинг ўқувчи қизларга халқ чолғу асбобларини чалиш сирларини ўргатаётганини кузатдим. Кузатдимгина эмас, олам-олам завқ олдим. Чунки Илёс аканинг ҳар бир сўзида, ҳаракатида касбига меҳри яққол кўриниб турарди. Тез кунда "Тановар", "Қари наво", "Дилхирож", "Шароф" каби куйларни чалишни ўргандим. Шу асно бу ажойиб инсоннинг ибратли умр йўли, санъат, айниқса, миллий чолғу асбобимиз бўлмиш дуторчилик тараққиётига қўшган ва қўшаётган ҳиссалари ҳақида ёзишга жазм этдим.

Илёс ака санъат оламига қизиқиши, ҳаваси, ёшлигидан оҳанглар сеҳрини тушуна билгани туфайли кириб келди. Отаси Қудрат ака жуда болажон инсон, фарзандлар тарбияси, дунёқараши, қизиқишига бефарқ эмасди.

— Бир куни отам акам билан мени дўконга олиб бордилар, — деб эслайди Илёс ака, — акамга велосипед олиб бердилар. Кейин сенга кичикроғидан оламиз, деб мўлжал қила бошладилар. Мен бўлсам пештахталардаги рубобдан кўз узмасдим.

— Менга велосипед эмас, рубоб олиб беринг, — дедим.

— Мана, илоҳим халқ севган созанда бўлгин, — дея отам қўлимга рубобни тутқаздилар.

Илёсжон ўшанда энди мактабга қадам қўйганди. Унинг қувончи оламга сиғмас, машқ қилиб чарчамасди. Муҳими, иқтидорли эди. Кўпларни устозлари етаклаган бўлса, уни иқтидори етаклади. Мактаб тадбирлари унинг иштирокисиз ўтмасди. Тўртинчи синфда ўқиётганида бошқа мактабга ўтиш зарурати туғилди. Омадни қарангки, у ерда мусиқа тўгараги бор экан. Илёсжон бошқалардан фарқли ўлароқ нота жозибаларини тез илғаб оларди. Фарзандидаги иштиёқ ва ҳаракатчанликдан боши осмонга етган Қудрат ака ва онаси Каримахон опа ғоят хурсанд эдилар. Тўгарак аъзолари Шерзод, Абдумалик, Илёсжон дастлаб туман, сўнг шаҳар кўрикларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашди. Саккизинчи синфда ўқиган кезлари Халқ филармониясига борди. Кундузи мактабда ўқиб, кечқурунлари оркестрда соз чала бошлади, жамоа билан бирга тадбирларда қатнашди. Айниқса, ҳарбий қисмларда ўтадиган учрашувлардан олам-олам завқ олиб қайтарди.

Ибратли умр

— 1962 йили Кремль саройида филармониянинг концертида қатнашганим сира ёдимдан чиқмайди, — дейди созанда биз билан суҳбатда. — Шундан кейин катталарнинг, устозларнинг эътибори яна ортди, ўшанда 11 ёшда эдим.

Шукрки, отаси бу ютуқларини эшитиб, кўнгли завқларга тўлди. 1964 йили отаси вафот этди. Саккизинчи синфни битирган ёш созандани амакиси Асатилла Файзуллаев Ҳамза номидаги мусиқа билим юртига олиб борди. Бир ой тайёргарликдан сўнг имтиҳонларни яхши топширди. Имтиҳон қабул қилган ўқитувчи унга дуторга ўтишни маслаҳат берди. Илёсжон амакиси билан маслаҳатлашиб, дуторни танлади. Билим юртини тугатиб, 1970 йили консерваторияга ўқишга кирди. Бу даргоҳда Маҳмуд Юнусовдек устазодалардан сабоқ олди. Айниқса, мутахассислик бўйича дарс берган Боқижон Раҳимжонов дуторнинг "пири" эди. Шунингдек афғон, қашқар рубобларини чалишни ҳам ўрганган созанда Сирдарё вилояти театрида мусиқа раҳбари бўлиб иш бошлади.

— Бир куни курсдошим Жалолиддин Зуҳриддинов телефонда, қачон Тошкентга келасан, деб сўради, — дея ҳикоя қилади Илёс ака. — "Мен радиода ишлаяпман, сен ҳам кел", деб таклиф қилди. Бордим. Дони Зокиров бошчилигидаги оркестр бор экан. Дони ака билан учрашдим. Афғон, қашқар рубобларини нота билан, кейин тор, дуторни чалиб бердим. Эртадан ишга келаверишимни айтдилар.

Созанда учун бу катта рағбат эди. Лекин театрдагиларни кўндириш осон бўлмади. Қолаверса, курсдошлар, оила дегандек. Онаси қайтишни маслаҳат берди. Турмуш ўртоғи Шарқияхон ҳам ич-ичидан севинди. Хуллас, онасининг кексайиб қолганини инобатга олган театрдагилар базўр рухсат беришди.

Илёс Лутфуллаев оркестрда Ғанижон Тошматов, Орифхон Ҳотамов, Абдумутал Абдуллаев каби эл таниган санъаткорлар билан бирга ишлай бошлади, Коммуна Исмоилова, Малоҳат Дадабоева, Ҳадя Юнусова каби хушовоз хонандаларга жўрнавозлик қилди. Энди у санъат боғида чинакам бўй кўрсатди, олқиш олди, ҳурмат топди. Нафақат созандалиги, балки одамшавандалиги, дўстпарварлиги, оилапарварлиги, фидойилиги, самимийлиги билан халқ эътиборини қозонарди. 1983 йили чангчи Аҳмад Одилов ўзи таҳсил олган мусиқа билим юртига ишга таклиф қилди. Ўзини синаш мақсадида радиодан бўшамаган ҳолда ярим йил ишлаб кўрди, натижа кутганидан-да зиёда бўлди. Бугунги кунда Илёс ака тарбиялаб ўқитган дутор, рубоб чолғулари ижрочилари республикамиздаги театр ансамбллари, оркестр жамоаларида хизмат қилишмоқда.

И.Лутфуллаев касби орқали юрт кезди, дунё кўрди. Қизлар ансамбли раҳбари Муборак Мирзаева таклифига кўра Франция, Бельгия, Швейцария, Голландия, Корея, Греция, Чехословакия каби давлатларда бўлиб, дўстлари — ғижжакчи Маъмуржон Олимжонов, чангчи Абдубосит Тошпўлатов каби санъат фидойилари билан бирга ўзбек миллий чолғулари сеҳрини дунёга намойиш этишди.

Ўзбек мусиқа санъатига кўп ва хўп ҳисса қўшган Илёс Лутфуллаев "Халқ маорифи аълочиси" унвони билан тақдирланган. Ҳозир ҳам ўнлаб йигит-қизларга сабоқ бермоқда. Тўрт фарзанди ҳаётда ўз йўлини топишган.

— Дуода ҳикмат кўплигига ишонаман, — дейди созанда. — Президентимиз кексаларнинг, халқнинг дуосини олиб, қисқа вақт ичида юртни яшнатишга эришди. Аҳоли фаровонлиги ошди, давлатлараро қўшничилигимиз кучайди. Ёшлар тарбияси давлат сиёсати даражасига етди. Шундай экан, биз ёши улуғлар томошабин бўлмасдан, қўлимиздан келганча ҳисса қўшайлик. Ота-боболаримиз удумини давом эттириб, ўғил-қиз, набираларимизга яхши тилак айтайлик, дуо қилайлик. Ёшим олтмишдан ошган бўлса-да, ҳамон отамнинг қўлимга рубоб тутиб қилган дуолари қулоғимда жаранглайди. Шу боис уйда фарзанд ва набираларни, лицейда талабаларни дуо қиламан, яхши тилак билдираман.

Биз ҳам тиниб-тинчимас фидойи инсон, набира ва эвараларнинг суюкли буваси, бўлғуси созандаларнинг меҳрибон устози Илёс Лутфуллаевга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаб қоламиз.

Муқаддас АБДУСАМАТОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

БЕНАЗИР УСТОЗ

Ўтган асрнинг 80-йиллари эди. Институтни тугатиб Термиз шаҳрида Ёшлар қўмитасининг биринчи котиби вазифасида ишлардим. Бир куни вилоят фаолларининг йиғилишига таклиф этишди. Мажлис вилоят алоқа бошқармасида ўтказилиши мўлжалланган эди. Залга қадам қўйишим билан кўз олдимда инсонга завқ берувчи манзарага гувоҳ бўлдим.

Катта, кенг хонанинг деворлари ганчдан гуллар билан безалганини кўриб кўзларим қувончга тўлди, уни ишлаган устага дилимда тасаннолар айтдим. Бошқарма бошлиғи Олимжон Эшоновдан бу гўзал нақшларнинг муаллифи кимлигини сўрадим. "Бу нозик санъатнинг устаси мана", деб девор бурчагини кўрсатди. У ерда нақшли рамка ичига ўйма шаклда "Бу ишларни ганч устаси Асрол Мухторов ва унинг шогирдлари бажарган", деб ёзилган эди.

Орадан йиллар ўтиб республика "Ҳунарманд" уюшмаси бошқарма бошлиғи вазифасида меҳнат фаолиятимни давом эттирдим. 2011 йил ноябрь ойининг сўнгги кунлари эди. Уюшмамиз раиси Муҳаммадюсуф Қурбонов билан Арчазор шоҳ кўчасидан тор кўчага бурилиб, бир хонадон эшиги олдида тўхтадик. Ҳеч қандай таклифсиз ичкарига кирдик. Ҳовли мўъжазгина бўлса ҳам файзли, саранжом-саришта экан. Узун йўлакли кичик пешайвон устунлари жимжимадорлиги, деворлардаги нақшлар уста-ўймакорнинг қўллари текканидан дарак бериб турарди. Биз кирган шинамгина хона кўз олдимда кинофильмларда кўрганим ўтмишдаги ота-боболаримизнинг хонадонини намоён этгандек бўлди. Ўзимни гўё амалий санъат музейида тургандек ҳис этдим.

Икки оғиз дил сўзи

Кўп фурсат ўтмай эшикдан курашга шай турган паҳлавондек, истараси иссиқ йигит кириб: "Хуш келибсизлар, азиз меҳмонлар", деб ҳар биримиз билан ҳол-аҳвол сўрашди. Шунда ёнимда ўтирган Муҳаммадюсуф: "Танишинг, бу киши шу уйнинг мезбони, Ўзбекистон халқ устаси Асрол Мухторов бўладилар", деб таништирди. Мен беихтиёр айтилган фамилияни ичимда бир неча бор такрорлаб, қаерда эшитганимни эслай олмадим. Фақат кетар чоғимда Термиз шаҳридаги алоқа бошқармасидаги ёзув ёдимга тушди. Асрол ака оддий, самимий инсон бўлгани учун тез кунда ака-укадек бўлиб кетдик.

Устанинг Олмазор, Зангиота туманларидаги ёдгорликларга ва яна бир неча жойдаги биноларнинг девор ҳамда пештоқларига ишлаган ганчкор безаклари билан танишдим, бири-биридан гўзал ва бетакрор бу санъат асарлари одамларнинг таҳсинига сазовор бўлганининг жонли гувоҳига айландим.

Ҳозирги кунда "Ҳунарманд" уюшмасининг фахрий аъзоси Асрол Мухторов билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. У кишининг маслаҳатлари билан кўргазма ва тадбирлар ташкил қилдик. Усталарнинг устози бўлишига қарамай, кўрик-танловларда ғайрат билан қатнашиб, бир неча марта совриндорлар сафидан жой олган уста қутлуғ ёшини қоралаётганига қарамай, ҳануз завқли, шижоатли, иродаси кучли, куй, қўшиқ, шеърият шайдосики, у киши билан суҳбат қурган инсон асло зерикмайди.

Чори ШОДИЕВ,
Ўзбекистон "Ҳунарманд" уюшмаси бошқарма бошлиғи

Замонавий кўрик-танловларда иштирок этиш учун ўқувчи ёки талаба қандай вазиятларга тайёр бўлиши керак, уларни чет эл саҳналарида нималар кутади, деганга ўхшаш саволларга кун сайин ўзгариб бораётган талаблар доирасида аниқ жавоб топиш бироз мушкул. Бунга яқинда яна бир бор амин бўлдим.

ИТАЛИЯ САҲНАСИДА ЎЗБЕКЧА ИЖРО

Шу йилнинг 4-6 май кунлари Италиянинг Рим шаҳрида бўлиб ўтган В.А.Моцарт номидаги XIII халқаро пианиночилар кўрик-танловида III ўринни, 7-13-майда Венецияда ўтган яна бир халқаро кўрик-танловда II ўринни эгалладим.

Моцарт номидаги танловда "Юнеско" томонидан моддий-маданий мерос сифатида рўйхатга олинган граф Фалкониери қўрғонида ижроимни тақдим этарканман, бир зум мозийга қайтгандек, улуғ композитор яшаган ижодий муҳитни ҳис этгандек бўлдим. Бу ҳиссиёт керакли ҳолатга киришимга ёрдам берди, десам муболаға бўлмайди. Кўрик-танловда Италия, Германия, Франция, Туркия, Югославия, Япония, Испания, Буюк Британия, Канада, Сербия, Польша каби мамлакатлардан тўқсонга яқин мусиқачи беллашди. Тадбир граф Фалкониери қўрғонида бўлиб ўтаётгани муносабати билан фамилияси "Ф" ҳарфидан бошланадиган ёки шу ҳарфдан сўнг келадиган фамилия эгаси биринчи бўлиб ижро этиши белгиланди. Қолган иштирокчилар тартиб билан кетма-кет тизилди. Ҳайъат аъзолари орасида Япония консерваторияси профессори Рио Ҳориучи, Италиядаги Новум мусиқа академияси профессори Анналаура Кавоуто каби машҳур ижрочилар борлиги кўрик-танловнинг нуфузи баландлигини кўрсатиб турарди.

Венеция шаҳрида ўтган танловда нафақат ижрочилар, балки кўп ғолиблар етиштирган мусиқа билим юртлари ҳам соврин ва мукофотларга эга бўлди. Донғи кетган Польша консерваторияси, Франциядаги Париж консерваторияси, Германиядаги Мусиқа академияси билан бир қаторда Ўзбекистон давлат Консерваториясининг ҳам жаҳон минбарида обрў-эътибор қозонишида озгина ҳиссам борлигидан фахрланаман. Ҳар иккала кўрик-танловдаги дастуримга юртимизнинг таниқли композитори Мустафо Бафоевнинг "Буюк ипак йўли" тўпламидан "Хитой — Император боғидаги ҳордиқ" асарини киритдим. Очиғи, халқаро кўрик-танловларда Европа мумтоз мусиқасига мансуб асарлар орасига она юртингда дунёга келган ўзбекча асарларни киритиш, европаликларга ўзбеклар ҳам фортепиано учун нодир асарлар ёза олишларини намойиш этиш истаги менга далда берди. Европаликлар Шарқ мусиқасининг жозибаси, ўзгачалигига гувоҳ бўлганларини яширишмади.

Ғурур

Ҳар иккала тадбирнинг тақдирлаш маросимидан сўнг ҳайъат аъзолари билан суҳбатлашиб, дастурим ҳақидаги фикрларини сўрадим. Улар ўзбекча асаримга алоҳида тўхталишди, ҳатто шу асарнинг нотасини эсдалик учун совға қилишимни сўрашди. Демак, Европани фақат мумтоз санъатимиз билан эмас, замонавий ўзбек мусиқаси билан ҳам лол қолдириш мумкин экан.

Санжарбек АЗИМОВ,
Консерваториянинг "Махсус фортепиано" кафедраси талабаси

"MOZIYDAN SADO"

Санъат нашрларида

2018 йил 2 сон

"Мен Чоғаниён элчиси Пукарзода бўламан. Мен Чоғаниён подшоҳи Турантош номидан Самарқанд шоҳига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатгани келдим ва ҳозир Самарқанд ҳукмдори ҳузуридаман. Ва сен, мен ҳақимда шубҳаланма, Мен Самарқанд маъбудларидан ҳамда Самарқанд ёзувидан хабардорман ва ҳукмдорга ҳеч қандай зарар етказмайман. Вархуман бахтли, саодатли бўлсин... Ва Унаш наслидан бўлмиш шоҳ Вархуман у билан хайрлашди. Шунда Чоч элчиси сўзга оғиз очди..."

Юқоридаги мурожаат Шарқ тасвирий санъатининг нодир намунасига айланган кўҳна Афросиёб деворий суратидаги битиклардан бир парча. Уни таниқли шарқшунос олим Л.Альбаум қадимий суғд тилидан таржима қилган. Журналнинг янги сонида тадқиқотчилар С.Мустафақулов ва М.Реутованинг "Афросиёб девори суратлари" сарлавҳали мақоласида бу қадимий ёдгорлик ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Шунингдек, журналнинг янги сонида А.Анарбоевнинг "Эски Ахси харобалари", Н.Эгамбердиевнинг "Хоразм қадимий топилмалари", С.Бегматовнинг "Мумтоз мерос", Д.Абдуллаеванинг "Бобурийлар меъморчилиги гултожи" сингари мамлакатимиз тарихи, қадимий маданияти ва санъатига бағишланган қизиқарли тадқиқотлари ўрин олган.

ТИЖОРАТ ЭМАС, МАҲОРАТ КЕРАК

Севимли газетамизда эълон қилинган "Кино санъати: муаммо, муҳокама, ечим" сарлавҳали давра суҳбатини қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унда бугунги ўзбек киносининг долзарб масалалари, жумладан, тарихий фильмлар яратишга тааллуқли ўринли таклифлар айтилган. Айниқса, истеъдодли режиссёрлар Жаҳонгир Қосимов ҳамда Зулфиқор Мусоқов билдирган фикрлар эътиборга лойиқ. Бу икки режиссёрнинг ўзига хос услуби, тажрибаси бор.

Кўтарилган мавзу юзасидан Ж.Қосимов ҳамда З.Мусоқовнинг иш услубига назар ташласак, улар сценарий тайёрлашдан бошлаб, уни экранга олиб чиқишга қадар бўлган жараёнда ҳар бир масалани ўзлари ҳал қилишга интилишини кўрамиз. Бунинг ҳам яхши, ҳам ёмон томони бор. Яхши томони шундаки, илгари сурилган мавзуга ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда сценарий ёзиб, албатта, бирор ёзувчи билан ҳамкорликда ижод қилишади. Ёмон томони шундаки, кўтарилган мавзу фақат иккита ижодкорнинг фикр доираси билан чекланиб, учинчи — муқобил фикрловчи ижодкор мушоҳадаси етишмай қолади.

Бир вақтлар "Ўзбектелефильм" директори, марҳум устозимиз Ғани Расуловдан "Нега бу режиссёрлар суратга олган фильмларнинг савияси бадиий кино талабларига жавоб бермайди?" деб сўраганимда, "Кўп куюнаверманг. Боғбон дарахтларини ўз бўйига мослаб қирқади", деган эди. Агар режиссёрни рамзий маънода боғбонга менгзасак, у "ўстираётган" фильмнинг "бўйи" қандай бўлиши, биринчи галда, сценарий муаллифининг фикр-мушоҳадасига боғлиқ. Халқимиз бежиз: "Кўпда Хизр бор" демайди. Агар сценарий битта эмас, бир неча муаллифлар билан ҳамкорликда ёзилса, режиссёр уларнинг ғояларини экранда мукаммал ифода эта олса, бадиий фильм муваффақият қозониши тайин.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида "Ўзбек драматургиясида шахс ва жамият проблемаси" мавзусида диплом ишини ёзиш учун Алишер Навоий номидаги миллий кутубхонада изланаётганимда қизиқ бир фактга дуч келганман. Кино санъатимиз дурдонасига айланган "Алишер Навоий" фильмининг сценарийси яратилишида Уйғун ва Иззат Султон билан бирга иккинчи жаҳон уруши йилларида юртимизга келган рус адиблари Константин Симонов ҳамда Виктор Шкловский ҳам ижод қилишган экан. Архивда уларнинг ҳар бири алоҳида ёзган киносценарийларнинг бир нечта варианти сақланиб турганини кўрдим. Иш якунида фильм режиссёри Комил Ёрматов бу талқинларнинг ҳаммасини бирлаштириб, ягона сценарий яратган. Демак, киносценарийга қанча кўп тажрибали адиблару ижодкорлар жалб қилинса, фильм шу даражада мукаммаллик касб этади.

Афсуски, бугун сценарийлар борган сари жўнлашиб кетмоқда. Тижорат фильмларида қандай ижодий ғоя, фикр илгари сурилганини тушуниш қийин. Кинодраматурглар оладиган пулига яраша енгил-елпи мавзудаги сценарийни буюртма бўйича ёзади. Уни бадиий кенгашлар мингта тазйиққа учраб, одамгарчилик юзасидан мажбуран тасдиқлайди. Натижада ғализликларга тўла саёз кино "асар"и экранга чиқади. Фильмнинг томошабоплигини ошириш учун таниқли актёрлар жалб қилиниб, ўзига хос шов-шув кўтарилади. Аммо томошабин бу фильмни бир маротаба кўрадию залдан чиқмай турибоқ унутади. Чунки унда эслашга арзигулик фикр, ғоя бўлмайди. Аксар фильмлар оилавий можаролару енгил-елпи мавзулар доирасида ўралашиб қолган. Ваҳоланки, кино ҳаётдан бир қадам олдинда юриб, ҳомийларни бойитиш учун эмас, томошабинни тарбиялаш учун хизмат қилиши лозим. Айниқса, тарихий мавзудаги фильмларни суратга олаётганда, "Қандай қилиб бўлса ҳам фойда оламиз", деган мақсад билан ишга киришиб бўлмайди. Биз учун тижорат эмас, маҳорат муҳим. Асосий эътибор картинанинг ижодий савиясига, бадиий-ғоявий салмоғига қаратилиши лозим.

Акс садо

Давра суҳбатида фикр билдирган режиссёрларнинг ҳар бирида тарихий фильм суратга олиш учун етарлича салоҳият ва тажриба бор. Аммо чорак асрдан зиёд вақт мобайнида бизда "Алишер Навоий", "Ўтган кунлар", "Сен етим эмассан", "Беруний" даражасидаги фильмлар яратилмади. Бунга сабаб шуки, кино санъатига профессионал талаб сусайиб кетди. Марҳум устозимиз Шуҳрат Аббосовнинг "Мирзо Улуғбек", Али Ҳамроевнинг "Амир Темур" бадиий фильмларининг сценарийлари ёзилиб, иш бошланиши олдидан тўхтатиб қўйилди. Маблағнинг камлигини рўкач қилиб, замонавий мавзулардаги фильмларга ружу қўйилди. Профессионал кинорежиссёр ва сценаристлар четда қолиб кетди. Элёр Эшмуҳамедов, Дамир Салимов, Жасур Исҳоқов, Нозим Тўлахўжаев, Юсуф Розиқов каби истеъдодли ижодкорларга панжа орасидан қаралди.

Рустам Саъдиев айтганидек, ишни, аввало, мавзуни танлаб, тарихчи олимлар, тажрибали ёзувчи ва режиссёрлардан иборат гуруҳни тузишдан бошлаш керак. Албатта, улар орасида мустақил фикр юритувчи ижодкорлар бўлиши шарт. Агар улар бир ёқадан бош чиқариб ишга киришса, кутилган натижага эришиш мумкин.

Бир вақтлар Ўзбекистон телевидениесида янги чиққан асарларни инсценировка қилиб, телесериал яратиш анъанаси яхши йўлга қўйилган эди. Оригинал телевизион драма ёзадиган муаллифлар йўқлиги боис яхши проза асарлари телесериаллар учун асос сифатида хизмат қилган. Масалан, Мақсуд Юнусов Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси", Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар", Ойбекнинг "Навоий", Ҳайбатилла Алиев Нодар Думбадзенинг "Абадият қонуни", Тоҳир Маликнинг "Сўнгги ўқ" романларини ўзлари инсценировка қилиб экранлаштиришга муваффақ бўлишди. Аммо бугун суратга олинаётган фильмлар кейинги авлодларга қандай маънавий озуқа бериши ҳақида аниқ бир фикр айтиш қийин. Чунки уларда кўтарилаётган мавзу ва ғоя саноқли йиллардан сўнг кун тартибидан тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

Мумтоз бадиий асар умуминсоний қадриятларни тараннум этгандагина абадиятга дахлдор бўлади. Абадият эса шундай чексиз уммонки, у ҳар қандай мавзу ва ғояни бир зумда юксалтириши ёки аксинча, мутлақо четга суриб қўйиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, киномиз жонкуярлари вақт ўтказмай бу борада ўзлари катта мақсадлар қўйиб, аниқ тўхтамга келишлари, янги киноасарларни саҳналаштиришда маҳоратли ижодкорлар тақдимини ташкил этишлари керак.

Марат АСАДУЛЛАЕВ,
фахрий журналист

Тирик сатрлар

Қалқиб борар гулчамбар

Устоз Сафар Барноев қарийб қирқ йиллик ижодий фаолияти давомида болалар адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшди. Адибнинг уруш ва тинчлик мавзусидаги «Ота ўғли», «Қирқ еттинчи йил» сингари шеър ва ҳикоялар тўпламлари ўндан ортиқ тилларга таржима қилинди. "Тоғдаман", "Биринчи табассум", "Соғинч" сингари тўпламлари, "Синфдошлар", "Кийик боласи", "Данак", "Оқ лайлаклар" сингари ҳикоя ва қиссалари жамланган нашрлар болаларнинг севимли китобларига айланди. Айниқса, "Кичкина Хўжа Насриддин" қиссаси XX аср сўнгидаги ўзбек болалар адабиётининг яхши намуналаридан.

Нашриётда, Ёзувчилар уюшмасида баракали фаолият олиб борган Сафар ака "Гулхан" журналига муҳаррирлик қилган йилларда болалар адабиётига мансуб янги номлар кашф этилди. Сафар Барноев ташаббуси билан ташкил қилингин "Ижодкор ўқитувчилар анжумани" таълим тизимида фаолият кўрсатаётган қаламкашлар учун ўзига хос ижод мактабига айланиб, улар учун катта адабиётга йўл очди.

Эътиборингизга адибнинг ижодий меросидан намуналар тухфа этилмоқда.

Ибодат

Бир куни мен битта кўчат ўтқаздим,
Қишлоғим йўлида ариқ ўтказдим,
Чўкиб бораётган дўстим қутқаздим,
Кексалар дедилар: бу ҳам ибодат.
Доим йўқлаб турдик етим-есирни,
Тинчитдим жанжални, олатасирни,
Кўзин очиб қўйдим гумроҳ, басирнинг,
Кексалар дедилар: бу ҳам ибодат.
Ғаюрларга дедим: Ошма ҳаддингдан,
Кўнглингни пок қилгин, аканг қаддингдан...
Эл бўлгин, қайттин-ей феъли-баъдингдан,
Кексалар дедилар: бу ҳам ибодат.
Илтижо қилдим мен бўлмай шарманда,
Улуғлар уйғонди обод Ватанда,
Яхшилик уруғи унсин ҳар танда,
Кексалар дедилар: бу ҳам ибодат.
Қай юртда бўлмайин мен юрдим тетик,
Ватан — муқаддасдир, юракда битик,
Аллоҳ тоатида бош бўлсин эгик,
Кексалар дедилар: бу ҳам ибодат.
Номардга дуч келсам, ўчмади ўчим,
Сотқинга дуч келсам, ёнди бу ичим,
Мени тарк этмади, ростлик қиличим,
Кексалар дедилар: бу ҳам ибодат.
Элим деб ёнмоқлик шарафдир менга,
Меҳридан қонмоқлик шарафдир менга,
Яйраб уйғонмоқлик шарафдир менга,
Кексалар дедилар: бу ҳам ибодат.
Неча гувоҳ бўлдим, неки кўрдим, бас,
Фақат яхшиларга мен қўйдим ҳавас,
Бизга мерос бўлган Ватан муқаддас,
Кексалар дедилар: бу ҳам ибодат.

Денгиз балладаси

Сув юзида қалқиб юрар гулчамбар,
Кўп кўрдим мен сайр этганда денгизда.
Балки дерсиз сўраб қолсалар агар:
"Денгизчининг сувга меҳри тенгсиз-да".

Сувга аввал ўзгачадир муҳаббат,
Шу бир сўзда йўқлик,
борлик бари жо.
Тушда агар сув кўрсангиз ҳамма вақт,
Яхшиликка йўйишади доимо.

Сув юзида қалқиб юрар гулчамбар,
Дерсиз бу ҳам сувга бўлган эътиқод.
Оҳ, дўстларим, сирин билсангиз агар,
Денгизчилар сафдошларин қилар ёд.

Жанг йиллари...
Не йигитлар олишиб
Қолиб кетди сув бағрида — денгизда.
Пўртаналар — денгизларнинг нолиши,
Пўртаналар, балки шундан тенгсиз-да.

Сув юзида қалқиб юрар гулчамбар,
Муқаддасдир дўстлар руҳи —
Гулчамбар.
Гул ёнидан ўтар экан ҳар сафар,
Фарёд чекиб, гудок чалар кемалар.

Сувни дерлар оби ҳаёт
Шубҳа йўқ.
Жангда эса, денгизчининг мозори.
Сув қаърига чўкиб кеттан мисли ўқ —
Жанг йиллари йигитларнинг оҳ-зори.

Сув юзида қалқиб борар гулчамбар,
Бу қаҳрамон денгизчига хос удум.
Денгиз бўйлаб юрарканман ҳар сафар,
Мен денгизда мангу ёдгорлик кўрдим.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси, таржимон

Ҳикоят МАҲМУДОВАнинг

вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Мозийдан садо" журнали таҳририяти жамоаси таҳририятнинг собиқ бўлим муҳаррири, кекса журналист

Ҳикоят МАҲМУДОВАнинг

вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Муаммо ва таҳлил

Кутубхоналарни соғиндик

Оналар китоб ўқиса...

"Мен Фарғона вилоятининг, Қўштепа тумани, Хумдон қишлоғида яшайман. Қишлоғимиз ташкил топганига етмиш йилга яқин вақт бўлди. Аҳоли асосан бундан ўттиз йиллар муқаддам кўчиб кела бошлаган. Шу вақт давомида ҳудудимиздан бор-йўғи тўрт нафар олий маълумотли чиқди... Бунга асосий сабаб қишлоғимизда маънавият масканларининг йўқлиги эмасмикан? Бизга кутубхона жуда зарур. Қишлоғимиздан ўқимишли, зиёли одамлар — мутахассислар, ўқитувчилар етишиб чиқишини жуда истар эдим.

Оналарни миллат тарбиячиси дейишади. Кутубхона очилса, аввало, оналарни китоб ўқишга жалб қилмоқчиман. Улар китоб ўқиса, албатта, болалари ҳам мутолаага қизиқади. Тафаккур ўсса қишлоқ ривожланади. Ахир, юрт ободлиги, фаровонлиги салоҳиятли, етук мутахассисларга боғлиқ. Имкон бўлса кутубхона ташкил қилинишига амалий ёрдам кўрсатсангиз".

Бу мактубни мен **Esdalik.uz** сайтида ўқиб қолдим. Мактуб муаллифи Умида Каримова куйиниб ёзганидек, кутубхона муаммоси бугун барча учун янгилик эмас.

Болалигимизда, айниқса, қиш кунлари серқатнов жойим қишлоқ марказидаги кутубхона бўларди. Зах ҳиди анқиб турадиган, варақлари сарғайган китоблар мен учун жуда қадрли эди. Яқинда ўша масканга кириб ўтмоқчи бўлдим. Аммо қишин-ёзин кино ва концерт қўйиладиган бу маданият марказининг иккинчи қаватидаги кутубхона аллақачон ёпилган экан. Мактабда адабиёт ва она тили фанидан дарс берган саксон тўрт ёшли устозим Маҳмуд Шомирзаевни йўқлаш баҳонасида суҳбатлашдим.

— Қишлоқ марказидаги кутубхона нақ хазинанинг ўзи эди, мен ўқиган китобларини рўйхат қилиб борардим, — дейди кекса устоз. — Абдураззоқ Самарқандийнинг "Шоҳнома" ва Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарлари ўқиган китобларимнинг охиргиси бўлган экан. Бу масканни шўро даврига тегишли адабиётлар бор деган сабаб билан ёпишди. Аммо ўлмас тарихий асарлар, жаҳон адабиёти дурдоналарининг қоғоз чиқиндихоналарига топширилганини сира тушунмайман. Озгина қисми мактабдаги ахборот-ресурс маркази фондига берилган. Яқинда "Обод қишлоқ" дастури бўйича бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Марказдаги маданият маскани таъмирланиб, кутубхонани қайта ташкил этиш режалаштирилди.

Мен устозимнинг қанча китоби борлигига қизикдим.

— Мўъжаз кутубхонам бор, — дейди ҳамсуҳбатим. — Китобларимнинг сонини билмайман. Бир қисмини невараларимга улашдим. Уларнинг уч нафари ҳозир тил ва адабиёт муаллими, икки нафари хориж тиллари бўйича ўқитувчи.

Устозим айтганидек, мактабда ҳам, уйда ҳам мутолаа учун муҳит бўлиши лозим. Баъзи ҳолларда "ёшлар китоб ўқимай қўйди", деган мулоҳазаларни эшитиб қоламиз. Ахир, биз ота-оналар уйда ўзимиз қўлимизга китоб ушламасак, фарзандларимизга қандай ўрнак кўрсатамиз?

Фикрингизга қўшиламан, чунки...

— Мен таҳсил олаётган Ўзбекистон Миллий университетида тез-тез китобхонликка бағишланган турли тадбирлар, давра суҳбатлари, ёзувчи-шоирлар билан учрашувлар ўтказилади, — дейди ҳамкасбим Вазира Иброҳимова. — Шундай пайтда барча талабалар фаол иштирок этади. Қолаверса, тенгдошларимиз билан нашрдан янги чиққан китоблардан тортиб чет эл ёзувчиларининг асарларигача ҳар доим таҳлил қиламиз, талашиб-тортишиб ўқиймиз, баҳс-мунозара юритамиз.

Дарвоқе, электрон, рақамли аудио кўринишдаги китоблар ҳам ўз мухлисларига эга. Аммо ҳали интернет кириб бормаган энг чекка қишлоқлар ёки компьютерни ўзлаштирмаган турли ёшдаги ҳамюртларимиз борлигини ҳисобга олсак, барибир, бундай масканларга эҳтиёжимиз катталиги кундай аён бўлади. Қолаверса, интернетдан фойдаланиш имкони бўлган ҳамюртимиз У. Каримованинг бой китоб фондига эга кутубхона очиш учун кўмак сўраганини ҳам эслаш кифоя. Кейинги пайтларда уюшмаган ёшлар ибораси тез-тез қулоғимизга чалинмоқда. Айнан маънавият масканлари, кутубхоналар уюшмаган ёшларни бирлаштиради, улар учун маънавий озиқ оладиган масканга айланади.

"Бир китоб" акцияси

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги берган маълумотлар бўйича республикамизда 12 мингга яқин ахборот-ресурс марказлари бор экан. Улар умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, лицей ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ҳиссасига тўғри келади. Шу ўринда бир савол туғилади. Ушбу ахборот-ресурс марказидан барча истаган вақтида фойдалана оладими?

— Ўқувчиларнинг дарси узоғи билан соат учларда тугайди. Аҳолининг кўп қисми кечқурун бўш бўлади. Яъни тушдан сўнг у ерларга киришга рухсат йўқ, — дейди Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг матбуот тарқатиш, китоб савдоси, кутубхона фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Нодир Қосимов. — Ўтган йили Президентимизнинг қарори билан ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари қисқартирилди. Ҳеч бўлмаганда ахборот-ресурс марказлари ташкил топган хоналар аҳоли хоҳлаган вақтларда фойдалана оладиган кутубхона вазифасини ўтаса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Вилоятларга сафарлар чоғида умумтаълим мактабларига қарашли ахборот-ресурс марказлари фондида 150-200 га яқин китоблар борлигини кўрганмиз. Энди ўйлаб кўрайлик, бир мактабда беш юз, олти юз, ҳатто минг нафар ўқувчи ўқийди. Бадиий китоб олиш учун ўқувчи неча кун навбат пойлайди? Қолаверса, фонддаги бадиий адабиётлар сифати ҳам айтарли даражада эмас. Умумтаълим мактабларида "Бир китоб" акцияси ўтказилади. Ота-оналар томонидан совға қилинаётган асарлар орасида ёшлар маънавиятига салбий таъсир қиладиганлари ҳам учрайди. Ахир, қачонгача сон ортидан қувамиз. Маънавият масаласида сифат муҳим эмасми?

Яна бир гап. Ҳар йили ахборот-ресурс марказлари учун белгиланган қийматда маблағ ажратилади. Газета ва журналлар обунасини ҳам ҳисобга олиб ўша ажратиладиган маблағ миқдорини ошириш керак.

Кутубхона — сирли олам

2017 йилнинг 13 сентябрида Президентимизнинг "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қароридан сўнг китоблар савиясига эътибор кучайтирилди, дўконлар фаолияти жонланди — булар барчаси яхши. Аммо ота-боболаримиз йиллар давомида фойдаланиб келган кутубхоналарни тиклаш, қайта ташкил этиш ҳам назардан четда қолмаслиги керак. Ибн Сино, Беруний, Алишер Навоий яшаган даврларда Шаҳрисабз, Самарқанд ва Ҳиротдаги энг бой зиё масканлари, Қўқон ва Хива хонликлари, Бухоро амирлиги кутубхоналари мусулмон оламида машҳур бўлган. Буюк аждодларимизнинг илк кашфиётлари яратилишига ўша кутубхоналардаги китоблар сабаб бўлган. Ўз навбатида улуғ аждодларимизнинг келажак авлодга қолдирган ижодий мероси ҳам ушбу масканлар орқали бизгача етиб келган.

— Ёзувчи бўлишимда қишлоқ марказидаги севимли масканим — кутубхонанинг ўрни беқиёс, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон. — Китоб байрамлари, фестиваллар, буларнинг барчаси ўғил-қизларимизнинг мутолаага меҳрини кучайтиради. Қишлоқларда кўчма кутубхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Аммо ҳамюртларимиз учун эшиги доимо очиқ турадиган кутубхона жуда зарур. Болалигимда эслайман, ҳали сотувга чиқишга улгурмаган энг сара асарлар қишлоғимиз кутубхонасида бўларди. Жуда бой хазина эди-ки, ҳамқишлоқларим энг сара китобларни танлаб ўқишарди. Дид ҳам кутубхонадаги китоблар савиясига қараб ўсади ёки пасаяди. Келажакда ташкил қилинадиган бундай масканлар фондини дурдона асарлар билан бойитиш керак, токи келажак авлод китоб танлаб ўқишда адашмасин...

Шу ўринда америкалик машҳур ёзувчи Рэй Бредберининг кутубхона ҳақида айтганлари ёдга тушади: "Мен учун бу ер сирли олам, чангалзордан иборат ўрмон. Бу ўрмон саргузаштларга жуда бой маскан. Ёзувчи бўлиб танилишимда кутубхонанинг ўрни катта. Яхшиямки, коллежда ўқишга пулим етмаган. Чунки ҳеч қайси университет ёки коллеж кутубхоначалик билим беролмайди". Ёзувчининг қадрли масканга меҳри шу даражада баланд бўлганки, Калифорниянинг Вернута шаҳридаги кутубхонанинг моддий аҳволи ночорлигидан ёпилиш арафасида турганида ёрдамга шошилади. Салкам тўқсонга яқинлашган ёзувчи ногиронлар аравачасига михланганига қарамай, турли учрашувлар, тадбирлар уюштиради. Ўқиган маърузалари учун тушган пулларни кутубхона фондига ўтказади.

Кутубхоначи китобхонми?

Кутубхоначилик соҳасида ишлаётган ҳар бир мутахассис, аввало, китобни севиши шарт ва лозим. Бунинг учун эса у ўз соҳасини пухта эгаллабгина қолмай, китоб шайдоси ҳам бўлиши керак.

Аммо барча вилоятларда ташкил этилган ахборот-ресурс марказларида фаолият юритаётган ходимларнинг аксарияти бошқа соҳа ходимлари экани ачинарли. Сабаби кадрлар тақчил. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига шу соҳа бўйича бир йилда олтмишга яқин, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот-технологиялари университетига саксон нафар талаба қабул қилинади. Демак, ҳар бир вилоятга ўн нафардан мутахассис тўғри келади. Ўн нафар мутахассис битта туманга ҳам етмайди. Шу пайтгача кутубхоначилик вазифасига олий маълумотли мутахассис қўйиш шарт эмас, деган қараш мавжуд эди. Аммо бугун вазият мутлақо ўзгача. Аввало, кутубхоначининг ўзи китобхон ва мутолаага қизиқтира олиш санъатига эга тарғиботчи бўлиши керак. Хорижда бу борада ишлар анча илғор. Масалан, Франция кўчаларида китоб ўқиб берувчи хизматчилар фаолият кўрсатишади. Таъсирли, ширали овозда китоб ўқигани учун уларга талаб юқори бўлиб, хизмат ҳақи тайинланган. Шу ўринда яна бир қизиқ маълумот: Германиянинг Гёте номидаги институтида 1820 йилдан бери "Китобхонлар мактаби" фаолият юритади. Бу мактабда ўқувчиларга мутолаани қайси китобдан бошлаш кераклиги, кейин қайсиларини ўқиш лозимлиги тавсия этиб бориларкан. Қайси ёзувчининг китоби Нобель мукофотига лойиқ топилгани, қайси ёзувчининг китоби айни пайтда бестселлерга айлангани ҳақидаги баҳс-мунозараларга бой машғулотлар ҳам ушбу мактаб дастурига киритилган.

* * *

Сўнгги сўз... эмас

Куни кеча бозор расталари ёнидан ўтиб кетаётсам бир аёл менга китоб тутқазди.

— Олинг қизим, буларни мен бир пайтлар битталаб йиққанман.

Аёлнинг қўлидаги китоблар — ўзимизнинг машҳур ёзувчиларимиз ва жаҳон адабиётининг дурдоналари, талабалик йилларимиз бир-биримиз билан талашиб ўқиганимиз Х.Тўхтабоев, Ў.Ҳошимов, Ч.Айтматов, Шекспирнинг машҳур асарлари... Нархини сўрасам, арзимаган пулни айтди.

— Бир пайтлар кутубхонада ишлаганман. Ва улар ёпилиб кетаётганда энг яхши китобларни олиб қолганман. Фарзандларим бу асарларни қизиқиб ўқишган. Невараларимнинг ҳаммаси деёлмайман-у, китобга қизиқадиганидан қизиқмайдигани кўп. Бу асарларни сотишга кўзим қиймайди-ю, аммо токчада чанг босиб ётганидан кўра қадрлайдиганлар фойдалансин, дейман-да, — деди.

Китоблар яна менга болалигимни эслатди. Сирли хазинага бой кутубхона — нурхонани. Ҳар бир туман, қишлоқ марказларида, юртимиздаги ўн мингдан ортиқ маҳаллалар қошида кутубхонларни қайта тиклаш фурсати етди. Ҳамюртларимиз қўлидаги дурдона асарлар арзимаган пулга нархланмасдан, ташкил этиладиган кутубхоналарга топширилса, уларнинг қиммати янада ошарди.

Жавонлардан эндигина жой олган янги китобларнинг ўзига хос ҳидини, саҳифалари шивирини, қўлма-қўл бўлиб ўқилавериб оҳори тўкилган сари қадри ошиб бораётган асарларни — бебаҳо хазинани ўз бағрида сақлаётган кутубхоналарни жуда соғиндик. Шоир айтганидек:

Сенда туганмас бойлик,
Сен устозсан, сен она.
Сенинг борлигинг яхши,
Бағри кенг, кутубхона.

Барно СУЛТОНОВА

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз:
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

Манзилимиз:
Тошкент — 100083,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Электрон манзилимиз:
uzas.gzt@mail.ru

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁР

Қабулхона: 233-52-91
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ

Навбатчи муҳаррир — Азизхон ИМОМОВ

Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 19.15.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.

Адади — 7715. Буюртма Г — 682.

Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.

Нашр кўрсаткичи — 222.

Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

9 772181 614000

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЭЪЛОНЛАР!

"КИТОБ АКЦИЯСИ"

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ "ОБОД ҚИШЛОҚ" ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ КИТОБ АКЦИЯСИНИ

эълон қилади.

Азиз устозлар, шоирлар, ёзувчилар, адабиётшунос олимлар ва ижодкор зиёлилар диққатига:

Ўз асарларингиз ва шахсий кутубхонангизда ўқиб бўлган бадиий китобларингизни мамлакатимиздаги мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, маҳаллалар Ахборот ресурс марказлари ва кутубхоналарга хайрия сифатида тақдим этишингизни сўраймиз.

Китоблар орқали маърифат тарқатиш, кенг халқ оммасини китоб мутолаасига даъват этиш хайрли ва савобли амаллардан биридир.

Сизнинг китобларингиз жавонларда чанг босиб ётмасдан китобсеварлар хонадонида мўъжизакор ва сеҳрли ҳаётини давом эттиради.

Бадиий асарлардаги қаҳрамонлар жонланиб, кўнгилларга кириб боради, юракларга ҳайрат ва ҳаяжон бахш этади.

Устозлар ўқиган китоблар мутолааси севинчи китобхонларга, Сизга эса муборак Рамазон ойининг савоби буюрсин.

Китоб акциясининг фаол иштирокчилари номи ва ҳадя этган китоблар сони газетада эълон қилинади ва уларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг совғаси топширилади.

ХАЙРИЯ КИТОБЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ ВА РЎЙХАТГА ОЛИНАДИ.

Манзил: Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси Адиблар хиёбони Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.Тел: 592-41-85; 898-30-31; 231-69-86.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ ВА БАСТАКОРЛАРИ УЮШМАСИ, ИЖОДКОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ "ИЛҲОМ" ЖАМОАТ ФОНДИ ВА "АСАКА" АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ

"МУСТАҚИЛЛИК НАВОЛАРИ"

НОМЛИ ОРКЕСТРЛАР УЧУН ЁЗИЛГАН КИЧИК ЖАНРДАГИ АСАРЛАР РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда композиторлар ўзларининг ёрқин миллий руҳда ёзилган, бугунги кун шукуҳини ўзида намоён этган, ижро вақти 3-4 дақиқадан ошмаган янги Увертюралари ва пьесалари билан қатнашишлари мумкин. Танлов натижалари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинади. Ғолиблар мукофотланади.

Асарларнинг партитуралари, оркестр овозлари ва бошқа керакли ҳужжатлар танлов чоп этилган санадан бошлаб 15 кун ичида қабул қилинади.

Қўшимча маълумот учун тел: (0371) 233-20-28; 233-08-67.